O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 17-oktabr, shanba • №42(3832)

25 ОКТЯБРЬ – ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ХАЛҚ ИШОНЧИ – ОЛИЙ ШАРАФ

БИЗНИНГ СУҲБАТ

**Республикамизда Сирдарё вилоятининг ўзига хос ўрни бор. Ушбу вилоятнинг барча соҳалари жадал суръатда ривожланаётганини кўриш мумкин. Ҳар ишда, ҳар жабҳада фуқароларга ҳамкор, ҳамдам бўлаётган ички ишлар ходимларининг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида вилоятда тинчлик, осойишталикни сақлаш борасида амалга ошираётган ишлари юзасидан вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Пўлат Сафаров билан суҳбатлашдик.**



Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони ходими, кичик сержант Жўрабек Бойхўрозов вазият ҳақида ахборот бермоқда.

**– Пўлат Қиличевич, йилнинг уч чораги ортда қолди. Ўтган давр мобайнида вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг зиммаларидаги вазифаларини бажариш борасидаги ишлари ҳақида гапириб берсангиз.**

– Ҳа, вақт югурик. Ўтаётган ҳар бир соат, дақиқа биздан зиммангдаги вазифангни бажаряпсанми, дея сўрагандай бўлади. Юрт тинчлиги, осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, жамоат, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга онт ичганмиз. Буни бир дақиқа бўлса-да унутишга ҳаққимиз йўқ. Ортга назар ташлаб, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб қилиб туриш керак, албатта.

Рақамларга мурожаат қилмасдан аввал ички ишлар ходимларининг зиммаларидаги вазифалар айримлар ўйлагандек осон эмаслигини айтиб ўтмоқчиман. Айниқса, йиғим-терим даврида деҳқон-фермерларга кўмаклашаётган ходимлар эрта тонгдан ярим тунгача осойишталик, хавфсизликни таъминлаш хизматида бўладилар. Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳам диққат-эътибордан четда қолмайди. Яқинда Мирзаобод туманида профилактика инспекторлари, капитанлар Зариф Ҳайдаров ва Хайрулла Умаров пайҳонга йўл қўймаслик учун дала айланиб юрганида, чайлада икки кишининг таркибида гиёҳванд моддаси бўлган ўсимликларни йиғиб, қопчаларга жойлаётганини сезиб қоладилар. Бу икки шахс етти килограммдан ортиқ наша ўсимлиги баргини сотиш учун тайёрлаётган экан.

Шу ўринда айтиш лозимки, ўтган давр мобайнида вилоятда жиноятларнинг айрим турлари, жумладан, босқинчилик, баданга оғир тан жароҳати етказиш, гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш, истеъмол қилиш, номусга тегиш кабиларнинг камайишига эришилди. Содир этилганларни очиш ўтган йилдагидан кўпайди.

**(Давоми 5-бетда).**

ЭЪТИРОФ

# ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БАЁНОТИ

**Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Мег Ландсейгер, Аге Баккер, Амбуаз Файоль, Хэ Цзянь Сюн, Томас Мозер ва Клаус Д.Штайндан иборат ижрочи директорлари миссияси 2009 йил 14 октябрда Тошкентда Ўзбекистонга амалга оширилган ташрифи якунлари бўйича қуйидаги баёнотни берди:**

«Биз Ўзбекистонга ташриф учун имконият яратилганидан мамнунмиз, Ўзбекистон халқи, ҳукумати ва Марказий банкига самимий қабул ҳамда самарали учрашувлар учун ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Ташриф давомида биз кўплаб манфаатдор томонлар, жумладан, жамоатчилик ва хусусий сектор вакиллари билан учрашиш, шунингдек, Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиш имконига эга бўлдик. Ушбу ташриф Халқаро валюта жамғармасининг Ижроия кенгашида мамлакат олдида турган муаммоларни баҳолаш ва муҳокама қилишда хабардорликни оширишга кўмаклашади. Халқаро валюта жамғармасининг иқтисодий сиёсат масалалари бўйича тавсиялари мазкур муаммолар ечимига қаратилгандир.

Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди.

Жаҳон инқирозининг Ўзбекистонда экспортни камайтириш шаклида намоён бўлган ички иқтисодий оқибатларини назорат қилиш ва инфляцияни жиловлаш яқин вақт ичида мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий вазифалари бўлиб қолади. Ҳукумат ички бозордаги талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди ва биз уни маъқуллаймиз.

Ўзбекистон — улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Бу салоҳиятни мустаҳкам асосга эга бўлган юксак иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш учун янада кенгроқ ишга солиш лозим. Мамлакат иқтисодий салоҳиятидан аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш учун фойдаланиш иқтисодий сиёсатнинг ўрта муддатга мўлжалланган асосий вазифаси ҳисобланади.

Биз Халқаро валюта жамгармаси ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида қарор топган самарали ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлаймиз».

МИННАТДОРЛИК

# ПОСБОНЛАРИМИЗГА РАҲМАТ!

**Маълумки, қишлоқ аҳлининг энг катта бойлиги унинг молидир. Биз ҳам тўйга деб яхши ният билан бир-икки бош сигир боқаётгандик.**

Шу йил 6 октябрга ўтар кечаси сигирларимиздан бири тўсатдан ғойиб бўлди. Излаб тополмагач, зудлик билан бу ҳақда Шовот тумани ИИБга хабар бердим. Очиғи сигирдан умидимни узгандим. Ички ишлар ходимлари бунчалик тезкорлик билан иш олиб бориб, ўғрини топишлари хаёлимга ҳам келмаганди. Тушга яқин сигиримиз топилганлиги ҳақида хабар қилишди. Бу хушхабарни эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлдик. Маълум бўлишича, уни тумандаги Эшонқалъа маҳалласида истиқомат қилувчи Бектурди деган кимса ўғирлаб кетган экан.

Жиноятни «иссиқ изида» фош қилганликлари учун Шовот тумани ИИБ ходимларига, хусусан, тезкор вакил, катта лейтенант Хушнуд Ёқубов ҳамда ҲООГ профилактика инспектори, капитан Отахон Сатторовга оиламиз номидан миннатдорлик билдираман. Уларнинг юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашдек шарафли ишларида муваффақият тилайман.

Эл-юрт посбонлари бахтимизга омон бўлишсин!

**Даврон ОДАМОВ.**
**Хоразм вилояти Шовот тумани.**

ЯНГИ НАШР



# «ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР»

**«Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг иккинчи жилди чоп этилди.**

Маълумки, бу китобнинг биринчи жилди 2006 йилда нашр қилиниб, унга 1991-2005 йиллар мобайнида мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари томонидан Президент Ислом Каримов номига йўлланган минглаб мактуб ва номалар ҳамда уларга Юртбошимиз йўллаган жавобларнинг танлаб олинган энг эътиборли намуналари киритилган эди.

Сўнгги йилларда диёримизда ислоҳот ва ўзгаришлар жараёни янги босқичга кўтарилиб, халқимиз ўзининг фидокорона меҳнати билан барча соҳа ва тармоқларда юксак марра ва ютуқларни қўлга киритмоқда. Табиийки, ана шу ютуқларнинг барчаси юртдошларимизнинг фикру зикри, интилиш ва кайфиятининг кўзгуси бўлган, давлатимиз раҳбари номига йўлланган кўплаб хатларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Кенг жамоатчиликни ана шундай фикр-мулоҳазалар билан таништириш мақсадида чоп этилган «Президентга мактублар» китобининг иккинчи жилдидан 2005-2009 йиллар давомида Юртбошимиз номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

«Маънавият зиёси», «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» ҳамда «Дунё эътибори ва эҳтироми» деб номланган бўлимлардан ташкил топган ушбу тўплам Ўзбекистон Президентининг юксак масъулияти, серқирра фаолияти ҳақида китобхонлар тасаввурини янада кенгайтириб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, юртдошларимизнинг кундалик ҳаёти, қувончу ташвишларига оид энг долзарб масалалар юзасидан ватандошларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар тўғрисида янги маълумотлар беришга хизмат қилади.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ҲАФТА ИЧИДА

● *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 октябрь куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон – АҚШ муносабатларини янада ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.*

*Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейк раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳаммедова билан ҳам учрашди. Шунингдек, меҳмонлар мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам бўлиб, ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар бўйича суҳбатлашдилар.*

● ***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида «Хабеас корпус ва мустақил суд тизими: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Германиянинг Фридрих Эберт жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, юристлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Семинарда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими, Хабеас корпус институтини амалда қўллаш, шунингдек, Германия суд тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маърузалар тингланди. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.***

● *Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да пахтачилик саноатидаги муҳим воқеа – V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўтказилди. Ярмарка қатнашчилари кўргазма павильонларида пахта толасининг ранг-баранг намуналари билан танишдилар. Иштирокчиларга Ўзбекистон Товар-хом ашё биржаси савдоларида қатнашиб, пахта толасини сотиб олиш имконияти ҳам яратилди.*

● ***Пойтахтимизда маданият, санъат ва мода соҳасидаги йирик лойиҳа – Art Week Style.uz 2009 ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ҳафталик мобайнида амалий санъат, мода ва дизайнга оид қизиқарли тадбирлар, нодир буюмлар намойиши, таниқли рассом ва дизайнерлар ижодига бағишланган кўргазмалар, юртимиз ёш дизайнерларининг ижод намуналари, миллий либослар фестивали, маҳорат сабоқлари ташкиллаштирилади.***

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

---

**САЙЛОВ — 2009**

***2009 йил 22 сентябрда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВдан парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов қандай ташкил этилиши, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш қандай принципларга асослангани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.***

# САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИЯ ПОЙДЕВОРИ

— Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этишининг асосий шакли ҳисобланади, — деди М. Абдусаломов. — Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимни изчил, босқичма-босқич модернизация қилиш натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Умумэътироф этилган халқаро нормалар ва принципларга мос келадиган сайловларнинг самарали қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базаси шаклланди. Марказий сайлов комиссияси бошчилигида ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминлайдиган сайлов комиссияларининг яхлит, мустақил тизими вужудга келди. Фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишнинг ишончли кафолатлари яратилди.

Демократик сайлов тизимини яратиш мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан мутлақо янги давлат тузумини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий қурилиш соҳасида демократик янгиланиш, ҳокимият тармоқларининг демократик тақсимланишини таъминлаш, чуқур ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир улкан ишларнинг муҳим бўғинига айланди. Бу ишларнинг самараси иқтисодиётимизнинг изчил ва жадал ривожланиши, аҳоли турмуш тарзи ва фаровонлиги даражаси юксалиб боришида аниқ ифодасини топмоқда.

— 2009 йилда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

— Таъкидлаш жоизки, бўлажак сайлов сифат жиҳатидан янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда ўтказилади. Мамлакатимиз икки палатали парламенти, жойлардаги ҳокимият вакиллик органларининг жамиятни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларидаги роли ҳамда ўрни анча кенгайди ва мустаҳкамланди. Сиёсий партиялар фаоллиги ва партиялар ўртасидаги рақобат даражаси анчайин ошди. Миллий сайлов қонунчилигига давр талабларига жавоб берадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2008 йилда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қоидаларининг ҳисобга олган ҳолда бўлажак сайлов мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муҳим босқич бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ва бошқа қатор қонунлар кўппартияли тизимни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, парламент Қонунчилик палатаси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида ҳамда қарорлар қабул қилишда сиёсий партияларнинг ролини оширишга катта таъсир кўрсатди.

Юзага келган сиёсий воқеликлар ҳисобга олиниб, қонун ижодкорлиги даражасини ошириш, демократик қурилишда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш мақсадида Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари 120 тадан 150 тага кўпайтирилди.

Сайловда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва имкониятлари анча кенгайди. Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, экологик вазият, одамлар соғлиғини яхшилаш учун курашиш масалаларининг муҳимлигини ҳисобга олиб, шунингдек, сиёсий қарашларидан қатъи назар, аҳолининг барча қатламлари ушбу масалаларнинг ҳал этилишидан манфаатдор эканлиги ва мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиққан ҳолда 15 та депутатлик ўрни янги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилмоқда.

**(Давоми 6-бетда).**

---

**ҒАМХЎРЛИК — 2009**

# ФИДОЙИ ХИЗМАТ УЧУН РАҒБАТ

Юртимизнинг келажаги, эртанги кунимиз ворислари бўлган болажонлар комил инсон бўлиб вояга етиши учун «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясида бир қатор ишлар амалга оширилаяпти. Айниқса, уларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб ўсишларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу йил компанияга қарашли «Бурчмулла», «Дўстлик», «Қибрай», «Темирйўлчи», «Янги авлод» оромгоҳларида темирйўлчиларнинг 6824 нафар фарзанди ҳамда оролбўйилик 3000 нафар ўғил-қиз мароқли дам олиб қайтишгани бунга яққол мисол бўла олади. Уларнинг дам олиш масканларига келиб-кетишлари ва соғломлаштириш жараёнида хавфсизлигини таъминлашда Транспорт ички ишлар бошқармаси тизими ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Ғамхўрлик – 2009» тадбирига асосан бошқармада штаб ва ишчи гуруҳи тузилиб, оромгоҳларга ходимлар бириктирилди.

Бундан ташқари, «Бухоро – Тошкент» ва «Шарқ» йўналиши бўйича қатновчи тезюрар поездда 855 нафар бола пойтахт ҳамда Самарқандга, «Қўнғирот – Тошкент», «Урганч – Тошкент» йўналишларида 3270 нафар бола ва тарбиячилар посбонлар кузатувида манзилларига соғ-омон етказиб қўйилди. Бу борада Транспорт ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспектори, катта лейтенант Дилшод Иноятов, Тошкент темир йўл бекати тармоқ ИИБ вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспектори, катта лейтенант Авазбек Абидов, Бухоро темир йўл бекати тармоқ ИИБ вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, майор Дилором Зокирова, йўловчи поездларни кузатиш ишларини ташкил этиш отряди милиционерлари, сержант Дилшод Акрамов, сафдор Шерзод Жуманиёзов ва бошқалар алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Яқинда ана шу фидойи ходимларнинг бир гуруҳи Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.**
**«Постда» мухбири.**

---

**МИННАТДОРЛИК**

# УМРЛАРИДАН БАРАКА ТОПИШСИН!

**Ростини айтсам, авваллари ички ишлар ходимларидан бироз тортиниб юрардим. Қолаверса, улар озгина ножўя ҳаракат қилган одамни қамашади деб ўйлардим. Аммо уларнинг давлат, халқ манфаати йўлидаги машаққатли хизматлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас эканман.**

Яқинда «Жигули» машинамизда Қизириқ тумани деҳқон бозорига бордик. Зарур нарсаларни харид қилиб чиқсак, машинамиз жойида йўқ. «Тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб», тамом энди машинадан айрилдик, деб ўйлагандик. Шоша-пиша бу ҳақда туман ИИБга хабар бердик.

Барака топгурлар машина таъмирланадиган устахона-ю автомобиль ва темир-терсак савдоси билан шуғулланувчиларнинг барчасини суриштириб кўришди. Подполковник Баходир Хўшбоқов, майорлар Абдулла Алиқулов, Рустам Холиқов, капитанлар Панжи Бобомўминов, Рустам Сирожиддинов ҳамда сержант Шайдулло Тангировларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўғирлик қисқа фурсатда - бир кун ичида фош этилди.

Бундай халқ ташвиши билан яшаётган осойишталик посбонларининг ишларига омадлар тилайман. Бир кекса киши сифатида қўлимни дуога очиб: «Умрларингдан барака топинглар!» дейман.

**Абдураим ҳожи МИРЗАЕВ.**
*Қизириқ тумани.*

---

**КЎРИК-ТАНЛОВ**

**Навоий вилояти ИИБга қарашли подполковник Ғ. Жўраев раҳбарлик қилаётган жазони ижро этиш муассасида «Намунали туркум бошлиғи» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда танловнинг биринчи босқичида ғолибликни қўлга киритган Бухоро ва Навоий вилоятлари ИИБ ЖИЭБ тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасаларида хизмат қилаётган бир гуруҳ ходимлар тўртта шарт бўйича ўзаро беллашишди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчининг чиқишларини холисона баҳолаб борди.**

# НАВБАТ – РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Ҳар бир иштирокчи танлов шартлари бўйича катта тайёргарликка эга эканликларини намойиш этишди. Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринга сержант Ғ. Боқоев, иккинчи ўринга капитан А. Бегматов, учинчи ўринга сержант С. Яхшибоев сазовор бўлди. Ғ. Боқоев танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Айтиш жоизки, ушбу кўрик-танлов ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳа ходимларининг билим ва тажрибаларини бойитишда муҳим омил бўлади.

**Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,**
**катта сержант.**
*Навоий вилояти.*

# МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

**Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБда ҳам «Намунали туркум бошлиғи» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ИИБ ЖИЭБлари тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасалари вакиллари иштирок этишди.**

Тадбир дастуридан ўрин олган саволларга барча қатнашчилар билимдонлик билан жавоб қайтаришди. Ҳар бир иштирокчи ўз маҳорати, касбий тажрибаси нақадар бой эканлигини намойиш этди.

Қизғин баҳс-мунозаралар тарзида ўтган кўрик-танлов якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиблар аниқланди. Биринчи ўринга капитан Шуҳрат Эшбўриев, иккинчи ўринга катта лейтенант Шуҳрат Хушвақтов, учинчи ўринга эса катта лейтенант Эркин Эшмуродов лойиқ, деб топилди.

Тадбир давомида муассасалар ходимлари ижросида она-Ватанни, дўстлик ва муҳаббатни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар янграtimes.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**
*Қашқадарё вилояти.*

«ПАХТА – 2009»



# ҲОСИЛ ТАҚДИРИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

**Пахта ҳосилини қабул пунктларига ташиш жараёнида ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этиш лозим. Хом ашёни сақлаш мобайнида қизиб кетишининг олдини олиш ва намлик даражасини пасайтириш мақсадида ғарамлар остига махсус туннеллар ўтказилади. Пахта ташиш транспортёрларидан узлуксиз фойдаланилганда электр учқуни чиқиши ва пахта толаларини алангалатиб, атрофга ёнғин тарқалишига олиб келиши мумкинлигини унутмаслик зарур.**

Пахта ғарамлари, умуман пахта хом ашёсини қабул қилиш, қайта ишлаш жойларида очиқ олов, электр сим ўтказгичлари, носоз техник қурилма ва ёритиш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш мумкин эмас. Ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар юзага келишига йўл қўйган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ҳосил йиғим-терими даврида ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг куч ва воситаларини марказлаштирилган ҳолда бошқариш, жойлардан келиб тушаётган маълумотларни умумлаштириб бориш мақсадида тезкор штаб ва ишчи гуруҳи тузилган. Ҳудудий ва маҳаллий ёнғин хавфсизлиги хизматларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни тезкорликда ҳал этиш мақсадида Бош бошқарманинг масъул ходимлари вилоятларга бириктирилиб, хизмат сафарига юборилди.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш корхоналари, пахта қабул қилиш пунктлари, пахта қуритиш хирмонлари рўйхатга олиниб, уларнинг ёнғинга қарши ҳолати тўлиқ ва мониторинг тарзида текширувдан ўтказилди. Текширув якунлари бўйича корхона раҳбарларига ёзма кўрсатмалар ҳамда аниқланган камчиликлар қайд этилган далолатномалар топширилди. Бугунги кунда қайд этиб ўтилган корхоналарда мунтазам қайта текширувлар ўтказилиб, асосий эътибор мавжуд камчиликларни тўлиқ бартараф этиш, содир этилиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга қаратилмоқда.

Бугунги кунгача ҳашарчилар турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. 24 та носоз газ мосламалари, 45 та носоз ва кўлбола электр мосламаларидан фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Камчиликлар жойида бартараф этилмоқда. Шулар билан бир қаторда, мавжуд 415 та пахта териш машиналари ва 23874 та пахта ташишга мўлжалланган автотранспорт воситаларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилиб, кундалик назорат ўрнатилди.

Пахта ҳосилини ташишга жалб этилган транспорт воситалари ҳайдовчилари ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди. Ёнғин назорати хизматлари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини бузган ёки уларни бажармаётган 241 нафар раҳбар, жавобгар шахс ва ишчи-хизматчиларга нисбатан жарима солинди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 65 та корхона, цех ва омборхоналарнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 892 та носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди.

«Пахта – 2009» йиғим-терим мавсумида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун 1000 нафардан ортиқ ёнғин хавфсизлиги ходимлари пахта тозалаш корхоналари ва пунктлари, шунингдек, ҳашарчилар турар жойларига бириктирилди. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан пахта тозалаш корхоналари ва пахта қабул қилиш пунктларига шартнома асосида 23 та ёнғин ўчириш техникаси жалб этилди.

Пахта – халқимиз меҳнатининг маҳсули. У бойлигимиз, иқтисодий равнақимиз омилларидан биридир. Шундай экан, ҳосил тақдирига барчамиз масъулмиз.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**капитан.**

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

**Истеъфодаги подполковник Бозор Тоғаевнинг асл касби муҳандислик. У Тошкент политехника институтини тамомлагач, ички ишлар идораларида хизмат қилишни дилига тугди. Орзуси рўёбга чиққан Б. Тоғаев қарийб йигирма йилдан ошиқ ушбу масъулиятли соҳада самарали хизмат қилди.**

# ТИНИБ-ТИНЧИМАС БОЗОР АКА

Дастлаб вилоят ИИБда иш бошлаган ёш ходим кейинроқ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш хизматига ўтказилди. Тўрт йил Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида сидқидилдан хизмат қилди. Сўнгра вилоят ИИБ ЖҚБда хизматни давом эттириб коррупцияга қарши кураш бошқармасида бўлинма, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади. Самарали хизмати учун муносиб тақдирланди, жамоада обрў-эътибор топди.

Бугунги кунга келиб Б. Тоғаев кўплаб ёш ходимларнинг устози саналади. Подполковниклар Фуркат Ражабов, Ғайрат Тошев, майорлар Самад Турдиев, Хуршид Астановлар Бозор акадек ҳаётий, касбий тажрибаси бой, эл ўртасида ҳурмати баланд устозлари борлигидан фахрланишади. Улар ҳамон касб маҳоратларини янада бойитиш йўлида устозларидан маслаҳат олишади.

Бозор ака умр йўлдоши Олияхон билан тўрт нафар фарзандни комил инсонлар қилиб вояга етказишди. Фарзандлари Бекзод Тоғаев ҳуқуқшунос, жиноят ишлари бўйича Қамаши туман судининг раиси, Аббос нефть соҳасида ишлайди. Аброр ва Наргиза айни кунларда институт талабалари.

Ҳа, ўз соҳасида сидқидилдан меҳнат қилган кишилар ҳамиша эл корига яраган. Бозор ака ҳали тетик, бақуввват, бундан кейин ҳам узоқ йиллар юртимизнинг янада равнақ топишига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**

*Қашқадарё вилояти.*

ТЎЙХАТ ЎРНИДА

# ТАБОБАТ БИЛИМДОНИ



**Тиббиёт фанлари доктори Азат Хаджиевни шогирдлари, сафдошлари табобат илмининг билимдони дея ҳурмат билан тилга олишади. Ўрта мактабни тугатиб, Андижон Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Тиббиёт соҳасида илмий изланишлар олиб борган Азат Хаджиев юрак касалликлари бўйича мутахассис-шифокор бўлиб етишди.**

У ўз меҳнат фаолиятини 1987 йилда Хоразм вилояти ИИБ касалхонасида бўлим бошлиғи лавозимидан бошлаган. Кейинчалик поликлиника бошлиғи, тиббий хизмат бошлиғи лавозимларида хизмат қилган. 1996 йилдан буён эса республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби тиббиёт хизматига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Азат Қутлимуратович ўтган йиллар давомида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва курсантларининг саломатлигини сақлаш, уларни турли хил юқумли касалликлардан асраш борасидаги эзгу тадбирларнинг амалга оширилишига бош-қош бўлди. Сўнгги йилларда тиббиёт хизмати замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланиб, малакали шифокорлар билан тўлдирилди. Бунда Азат Хаджиевнинг муносиб ҳиссаси бор.

Эл саломатлигини сақлаш борасида илмий изланишлар олиб борган Азат Хаджиев фан доктори илмий даражасига эга бўлди. Турли касалликларни даволаш, олдини олиш бўйича кўплаб илмий мақолалар ёзди. Айни кунларда бу тиббиёт илми билимдони олтмиш ёшни қаршилади.

ИИВ Тиббиёт бошқармаси, ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби раҳбарияти ва шахсий таркиби бутун фаолияти ва илмини эл саломатлиги йўлига бахшида этиб келаётган Азат Қутлимуратович Хаджиевни қутлуғ ёши билан самимий муборакбод этиб, унинг келгусидаги эзгу ишларига омад тилайдилар.

ДУНЁ НИГОҲИ

**Германиянинг Бремен университетида ЮНЕСКО шафелигида, шунингдек, Европа Иттифоқининг минтақавий ривожланиш жамғармаси ва бошқа бир қатор маҳаллий ташкилотлар кўмагида халқаро «Тиллар фестивали» бўлиб ўтди.**

# ЎЗБЕК ТИЛИ ХАЛҚАРО ФОРУМДА

«Тил – гўзаллик, тил, бу – маданият, тил, бу – жамият, тил, бу – ҳаёт» шиори остида ўтган тадбирда дунёнинг 60 мамлакатидан тилшунос олимлар, шоирлар ва лингвистлар иштирок этди. Илмий-амалий конференциялари, театрлаштирилган концерт чиқишлари ҳамда шеърият кечалари ташкил этилди.

Фестиваль доирасида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси ҳамда «Германия – Ўзбекистон» дўстлик жамияти ташаббуси билан Бремен университети билан ҳамкорликда «Ўзбек тили ривожининг тарихи, босқичлари ва истиқболлари» номли кеча бўлиб ўтди. Унда турли мамлакатлардан келган халқаро фестиваль иштирокчилари, дипломатлар, профессор ва ўқитувчилар, Германия университетларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар қатнашди.

Йиғилганлар ўзбек тилининг қадимий тарихи ва тараққий этишининг асосий босқичлари, унинг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Маҳмуд Қошғарий, Хоразмий, Навоий сингари аждодларимизнинг ижоди ҳақидаги маълумотларга эга бўлдилар. Германиялик тингловчилар Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг амалга оширилаётган, она тилини оммалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар билан яқиндан танишдилар.

Шу билан бирга, таъкидландики, Ўзбекистонда бошқа тилларни ҳам ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мактаб таълими етти тилда олиб борилаётир. Бу эса халқаро ташкилотлар, хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан юқори баҳоланмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистоннинг Бремендаги фахрий консули Л. Фоллерс «Тарихида кечган мураккаб даврларга қарамасдан, ўзбек халқи ўз она тилини сақлаб қола олди», дея таъкидлади.

– Шубҳасиз, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий тил ривожида сифат жиҳатдан янги босқич бошланди, – деди Л. Фоллерс.

Ўзбекистонлик талабалар, шунингдек, меҳмонларга буюк шоир Алишер Навоийнинг немис тилига таржима қилинган ғазалларидан ўқиб беришди. Иштирокчиларда халқимизнинг миллий урф-одатлари ва анъаналари намойиш этилган маданий дастур алоҳида таассурот қолдирди.

**«Жаҳон» АА.**

# ЖАҲОН АЙВОНИДА



## ДОЛЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШМОҚЧИ

Британияда чоп этиладиган «The Independent» газетасининг хабар беришича, Форс кўрфази мамлакатлари Хитой, Россия, Япония ва Франция билан нефть савдосида АҚШ доллари муомаласидан воз кечиш режаси устида иш олиб бораяпти.

Америка доллари ўрнини евро, иена, юан ёки Саудия Арабистони, Абу-Даби амирлиги, Қувайт ва Қатар давлатлари ҳамкорликда яратмоқчи бўлаётган янги валюта эгаллаши мумкин.

## НЕФТЬ ЯНА ҚИММАТЛАШДИ

Жаҳон бозорида нефть нархи яна қимматлашди. Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган савдолар чоғида бир баррель «қора олтин»нинг баҳоси 1,03 долларга ошиб, 75,18 АҚШ долларига етган.

Таъкидлаш жоизки, бу жорий йилдаги энг юқори кўрсаткичдир. Кузатувчилар бу ҳолатни жаҳон иқтисодиётида барқарорлашув аломатлари сезила бошлагани билан изоҳлашмоқда.

## ЭНГ КАТТА ЭКСПЕДИЦИЯ

Хитой Антарктидани ўрганиш учун мамлакат тарихидаги энг катта 251 нафар олимдан иборат экспедиция юбораяпти.

Бортида иккита вертолёти бўлган «Сюелун» илмий-тадқиқот кемасида олимлар 180 кун мобайнида Антарктидани ўрганиш бўйича 59 та илмий-текшириш ишларини олиб боради.

## УЧАДИГАН ДИНОЗАВР ҚОЛДИҒИ

Хитойнинг Ляонинг музофотида тадқиқот олиб борган олимлар динозавр қолдиқларига дуч келишди. Ахборот агентликлари хабарида айтилишича, топилмалар ана шу жониворларнинг уча оладиган турига тегишли бўлиб, бу кашфиёт динозаврларни ўрганиш борасидаги энг катта ютуқлардан биридир.

## СИНОВДАГИ АППАРАТ

Буюк Британиянинг Манчестер шаҳри аэропортига инсон танасини ортиқча оворагарчиликларсиз текшира оладиган аппарат ўрнатилди. Мазкур қурилма орқали инсон танасидаги ҳар қандай бегона жисмни аниқ кўриш мумкин. Мутахассисларнинг айтишича, ҳозирча аппаратдан синов тариқасида фойдаланилмоқда.

## МАРСДА СУВ БЎЛГАН

Марс сайёрасида учта кўл ўрни топилган. Эритрея водийсидан аниқланган ушбу сув ҳавзалари бир-бирига ирмоқлар орқали боғланиб турган. Уларнинг умумий узунлиги 40 километр, эни бир километр, энг чуқур жойи эса 100 метрни ташкил этган. Мутахассислар мазкур сув ҳавзаларининг ёшини 3,5-3,7 миллиард йилга тенг деб тахмин қилишмоқда.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

## 25 ОКТЯБРЬ – ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ХАЛҚ ИШОНЧИ – ОЛИЙ ШАРАФ

**БИЗНИНГ СУҲБАТ**

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Бошқа хизматларда қўлга киритилаётган ютуқларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимлари жамоат тартибини сақлаш борасида олиб бораётган хизматлари давомида юздан ортиқ жиноятларнинг олдини олишди, бир юз элликка яқин жиноятни эса бевосита очишга эришдилар. ЙҲХБ ходимларининг вилоятимиз ҳудудидан ўтган йирик халқаро йўлларни назорат қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳам эътироф этиш лозим. Улар бир кеча-кундузда 23-25 мингга яқин юк ва енгил автомашиналарнинг ҳаракатини кузатишади. Бунинг эвазига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда.

Кейинги йилларда қўриқловга топширилаётган объектлар, хонадонлар сонининг ортиб бораётгани қўриқлаш хизмати ходимларининг ўз ишига виждонан ёндашаётганининг самарасидир.

Кинолог, эксперт-криминалистлар жиноятни аниқлаш ва айбдорни топишда катта ёрдам беришаётганини таъкидлаш ўринли. Айтиш мумкинки, барча соҳа ходимлари зиммаларидаги вазифаларни адо этиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бироқ бу билан хотиржам бўлолмаймиз. Жиноят камайгани қайта содир этилмайди дегани эмас. Шунинг учун бир дақиқа ҳам сергакликни йўқотмаслигимиз, ҳамиша ҳушёр туришимиз керак. Бу бизнинг зиммамиздаги вазифани адо этишнинг асоси ҳисобланади.

**– Жиноятни очиш ёки айбдорни излаб топишдан кўра, унинг олдини олган афзал. Яъни, профилактик ишларнинг аҳамияти катта. Бу борадаги ишларга ҳам тўхталсангиз.**

– Йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида вилоятдаги 94 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмади. 2008 йилда бу кўрсаткич 83 та эди. Масалан, Сирдарё туманидан профилактика инспекторлари, майор Раҳим Отаев, капитанлар Тоҳир Юнусов, Абдухолиқ Болбеков, Оқолтин туманидан профилактика инспекторлари, майор Исмат Ибрагимов, капитан Улуғбек Норматовлар хизмат қилаётган ҳудудларда икки-уч йилдан бери жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Бундай маҳаллаларнинг кўпайиб бораётгани, аввало, шу ҳудудларда профилактик ишларнинг тўғри йўлга қўйилгани, имкониятдан тўлиқ фойдаланилаётганидан далолат беради.

Профилактик ишларга жиддий эътибор беришнинг аҳамиятини шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, албатта. Йилдан-йилга жиноятлар сонининг камайиб, айрим оғир жиноятларга йўл қўйилмаётгани жойларда профилактик ишларнинг талаб даражасида, тўғри ташкил этилганининг самарасидир. Бу борада айниқса, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида тез-тез учрашув, суҳбатлар уюштириб турамиз. Йилда бир марта ўтказилган тадбир ўқувчиларнинг эсидан чиқиб ҳам кетиши мумкин. Видеотасвирлар, кўргазмалар асосида ўтказилган маъруза, суҳбатлар бола, ўсмирлар онгига яхши таъсир қилади, узоқ вақт сақланади. Шу боисдан, суҳбат ва учрашувларда бу каби воситалардан унумли фойдаланилмоқда.

Катта ёшдаги фуқаролар ўртасида ҳам ёнғин, йўл ҳаракати хавфсизлиги, огоҳлик, одам савдоси каби мавзуларда белгиланган режалар асосида тадбирлар уюштириш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, назоратга ҳам олинган.



Вилоят ИИБ ЭКБ ходимлари – экспертлар (чапдан) лейтенант Азиз Умаров ва лейтенант Пўлат Шодмонқулов буюмдан бармоқ изини олишяпти.

**– Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳозирги кунда энг долзарб масалага айланди. Бу ички ишлар идоралари зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди, албатта. Амалга оширилаётган ишларни талаб даражасида бўляпти, деб ҳисоблаш мумкинми?**

– Саволингизга жавоб беришни бир мисол келтиришдан бошламоқчиман. Оқолтин туманидаги Сардоба қўрғонида яшовчи икки ака-ука ота-онадан қолган уйни талашиб, ёқалашишгача боради. Ҳовлини иккига бўлиб берган билан тотувлик ўрнатилишига кўзи етмаган туман ИИБ раҳбарияти маҳаллий ҳокимликка ака-укалардан бирига уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш таклифи билан чиқади. Бу масала ижобий ҳал бўлгач, ака укасига қурилиш ишларида кўмаклашадиган бўлди.

Бу билан айтмоқчиманки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар идоралари ўз ваколати доирасида иш кўриши, ҳал этиши мумкин. Аммо айрим масалаларда эса бошқа идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорлик қилишимизга тўғри келади.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш умумжаҳон миқёсидаги долзарб муаммо деб қаралади. Мамлакатимизда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга давлат миқёсидаги масала сифатида эътибор берилаётгани, ички ишлар идоралари ходимидан катта масъулият талаб этади. Бирор хонадонга ўғри ораласа, унинг фуқаролик ҳуқуқи поймол қилинган ҳисобланади. Ички ишлар ходимлари томонидан ўғрини топиб, олган буюмларини эгасига қайтарилиши билан жабрланувчининг ҳуқуқи ҳимоя қилинган ҳисобланади. Икки қўшни сув, озгина ер талашиб бир-бирини ҳақоратлаб, ёқалашишгача боради. Профилактика инспектори маҳалла фаоллари ёрдамида томонларни яраштириб қўяди. Бу билан уларнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинади, албатта. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олсак, ички ишлар ходимларининг ҳар бир иши, хизмати инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганини изоҳлаш шарт бўлмаса керак.

Шу ўринда ғайриқонуний турмуш тарзи кечираётган айрим ноинсоф кимсалар томонидан ички ишлар ходимларига нисбатан ҳам туҳмат, бўҳтон уюштирилиши, уларни ёмонотлиқ қилишга уринишлар бўлаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Фуқаро Ш. Мақсатова вилоят ИИБ бошлиғи номига йўллаган аризада 2009 йил 10 апрель куни унинг уйига икки нафар ички ишлар ходими келиб, улардан бири ўзини «Шодиёр» деб таништиргани ва аёлга пилла қуртини боқиш учун олиши лозимлигини айтиб, уриб тан жароҳати етказганлиги ва натижада у ҳушидан кетганлигини баён этган. Ходимга нисбатан чора кўришни сўраб ёзган ушбу аризаси атрофлича текшириб чиқилди. Махсус комиссия томонидан ўтказилган текширувда фуқаро Ш. Мақсатованинг аризасида кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмади. Бу ички ишлар ходимини обрўсизлантиришга қаратилган бир уйдирма экан. Туҳматчининг ўзига нисбатан чора кўришга мажбур бўлдик. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда вилоятдаги ҳар бир туман, шаҳар ички ишлар бўлимида фуқароларни қабул қилиш учун алоҳида хона мавжуд. Бўлим раҳбарлари белгиланган кунда фуқароларни қабул қилиб, уларнинг ариза ва шикоятларини эшитади. Ички ишлар идорасига келган ҳар бир киши умид, илинж билан келади. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг мурожаатларини имкони борича ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишяпти. Лекин бу билан ҳамма масалалар ечимини топяпти, деб бўлмайди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маҳаллий ҳокимликлар, идоралар ҳам бирдек ҳаракат қилиши, ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириши лозим. Бу борада ҳали амалга ошириладиган ишлар кўп эканлигини ҳам унутмаслик керак.

**– Чегара ҳудудларида тинчлик, осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарлик, қонунбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар ходимларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.**

– Албатта. Вилоятимизнинг бир қисми икки қўшни давлат билан чегарадош. Халқимизда ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма, деб бежиз айтилмайди. Аввало, ўзимиз ҳушёр бўлишимиз керак. Яқинда Сирдарё тумани ИИБ ходимлари қўшни давлатдан ноқонуний равишда ўтиб, Россияга кетмоқчи бўлган бир гуруҳ йигитларни ушлашган. Уларнинг республикамиз орқали ўтиши учун ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган. Биз уларга нисбатан амалдаги қонунларга асосан чора кўрдик. Афсуски бундай ҳолатлар учраб туради.



Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати ходими, кичик сержант Акром Бобоев «Бой» лақабли ити билан.

Сир эмас, гоҳида қўшни давлатдан меҳмонга келиб, бу ердаги арзон маҳсулотлар, товарларни олиб чиқиб кетиш пайида бўлаётганлар ҳам учрайди. Ёки республикамизга ноқонуний равишда, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган товарларни олиб киришга уринишади. Уларни аниқлаб, тегишли чоралар кўрилади. Ходимларимиз божхона, МХХ ходимлари билан биргаликда чегара постларида қўшма тадбирларда иштирок этишади.

Чегара ҳудудларда яшайдиган аҳоли ўртасида профилактик тадбирлар олиб бораяпмиз. Бегона кишиларнинг айланма йўллар орқали ҳудудимизга ўтиб, турли қинғир ишларни олиб боришига йўл қўймаслик чоралари кўриляпти. Мамлакатимизга гиёҳвандлик моддаларини олиб киришга ёки республикамиз орқали олиб ўтишга ҳаракат қилаётганлар бор экан, биз доимо ҳушёр бўлишимиз, чегара ҳудудларида сергакликни сусайтирмаслигимиз керак.

**– Ички ишлар ходимларининг маънавиятини ошириш кун тартибидаги муҳим масалалардан бири. Бунга эришиш, ҳар бир ходимнинг маънавиятини юксалтириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керак, деб ҳисоблайсиз?**

– Вилоятимиздаги қўриқ ерларни ўзлаштириш йилларида республикамиздаги ҳамма вилоятлардан мутахассислар келишган. Уларнинг аксарияти шу ерда яшаб қолган. Ҳар бир вилоят кишиларининг ўз удуми, урф-одати бор. Бир-биридан кескин фарқ қилмайдиган анъаналар бизда бирлашиб, уйғунлашиб кетган. Бугунги ёшларимиз асрлар бўйи давом этиб келаётган, миллатимиз анъаналарини яхши билишлари, давом эттиришлари керак. Шунингдек, ички ишлар ходими аҳоли билан ҳамжиҳат бўлиб, тўйда, маъракаларда иштирок этиши шарт. Айтмоқчиманки, инсон маънавияти ўз-ўзидан юксалиб қолмайди.

Юртбошимиз маънавиятсиз юксалиш бўлмайди деб, кўп таъкидлайдилар. Улуғвор ишларни бажариб, буюк келажак сари одимлаётган эканмиз, ҳар биримиз маънавий етук бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Ички ишлар идораларида мунтазам ўтказилаётган «Маърифат дарси» машғулотларининг савиясини кўтариш мақсадида таниқли олимлар, санъаткорлар таклиф этилмоқда. Машғулотда шунчаки маъруза ўқиш билан чекланмасдан, қадимда давом этиб келаётган урф-одатлар, инсоний фазилатлар, миллий қадриятларни акс эттирган видеолавҳалар намойиш этилади. Яна бир томони ходимларнинг ўзлари ҳам ҳаракат қилишлари лозим. Китоб ўқиш, айниқса, тарихий асарларни кўпроқ мутолаа қилиш керак. Ўтмишда аждодларимизнинг Ватан тинчлиги, юрт осойишталигини таъминлаш борасидаги хизматлари, босқинчиларга қарши курашлари, ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини йўқотмагани, мағрур яшаганини билган кишининг миллатимиз, халқимизга бўлган меҳри ошади.

**– Кадрлар масаласида қандай ишлар амалга оширилияпти?**

– Ҳар бир жабҳада, жумладан, ички ишлар идораларида ҳам етук кадрлар масаласи асосий ўрин эгаллайди. Чунки, ҳамма нарсани кадрлар ҳал этади, деб бежиз айтилмайди. Ҳозирги кунда вилоят ички ишлар идораларида хизмат қилаётганларнинг учдан икки қисмидан кўпроғини 35 ёшгача бўлган ходимлар ташкил этади. Кейинги пайтда сафимизга ИИВ олий таълим муассасалари, ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг битирувчилари келиб қўшиляпти. Ёш, ғайратли кадрлар ҳисобига сафимиз тўлиб бораётганини эътироф этиш жоиз, албатта.

Ёш мутахассис-кадрларни ишга қабул қилиш ва жой-жойига қўйиш борасида яхши анъанамиз бор. Олий ўқув юртини тамомлаб, йўлланма билан келганларни вилоят ИИБ раҳбарияти, бошқарма бошлиқлари иштирокида суҳбатдан ўтказамиз. Айтайлик, терговнинг йўналиши бўйича билим олган йигит суҳбатга кирди. Тергов бошқармасидан вакиллар у билан савол-жавоб қилади. Ана шу тадбирдаёқ ёш йигитнинг нимага қодирлиги намоён бўлади. Кейин ёшларга бир ой давомида мутахассислар, шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари иштирокида бошқарма ва унинг тизимларидаги тартиб-интизом, ҳужжат юритиш, ходимларнинг бир-бирларига муомаласи ва бошқалар бўйича машғулот ўтилади. Сўнгра белгиланган хизматга юборилади.

Ички ишлар идораларида хизмат қилишга иштиёқманд ёшлар кўп, аммо улар орасида хизмат қилишга яроқсизлари ҳам кам бўлса-да, учраб туради. Амаллаб олий маълумот олиб, мутахассислик дипломини кўтариб келади-да, бир-икки марта қийинчиликка учраши билан ишдан бўшаш пайига тушади.

Ички ишлар идораларида хизмат қилишни ҳам машаққатли, ҳам шарафли деб бежиз айтилмайди. Машаққатларига чидаган кишигина шарафга эришади. Ҳалол, виждонан қилинган хизмат кишига обрў-эътибор келтиради. Халқимиз бизга юксак ишонч билдириб, тинчлик ва осойишталикни сақлаш вазифасини юклаган. Бурчимизни бажариш, ишончни оқлаш, юртимизда барқарорликни таъминлаш ишига ҳисса қўшиб, фуқаролар, жамоат хавфсизлигини сақлаш йўлида хизмат қилишнинг ўзи биз учун олий шараф.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ суҳбатлашди.**

*Тошкент – Гулистон – Тошкент.*

САЙЛОВ — 2009

# САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИЯ ПОЙДЕВОРИ

*(Давоми. Бошланиши 2-бетда).*

Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти муттасил юксалиб бормоқда, одамларнинг сиёсий партиялар дастурий кўрсатмалари, жорий фаолияти, депутатлар қонун ижодкорлиги сифати, жойларда қабул қилинган қонунлар ижросини баҳолашда талабчанлик даражаси мунтазам ортмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз сайлов қонунчилигини эркинлаштириш ва такомиллаштириш жараёни ривожланмоқда. Масалан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзод кўрсатиш институти тугатилди. Эндиликда фақат сиёсий партияларгина депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Қонунчиликка сиёсий партиянинг ваколатли вакили институти киритилди. Унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқиш ва имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди. Қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича фаолияти ошкоралигини таъминлашга қаратилган нормалар киритилди. Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 13 та қонуни, шу жумладан, мамлакатимиз Конституциясининг 77-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

**— Маълумки, Марказий сайлов комиссияси 2009 йилнинг декабридаги сайловга қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияни ишлаб чиқди ва қабул қилди. Ушбу Концепциянинг асосий қоидалари ва уни татбиқ этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Мазкур муҳим ҳужжат жорий йилнинг май ойида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5, 9 ва 10-моддаларига биноан қабул қилинди. Унда сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича асосий талаб ва мақсадли вазифалар акс этган.

Биринчи навбатда, бу сайлов кампанияси барча иштирокчиларининг амалдаги қонун талабларига сўзсиз риоя қилишини таъминлаш. Бу борада, аввало, сиёсий партиялар, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этаётган барча ташкилий тузилмалар билан қонун нормаларига қатъий риоя қилиш зарурлиги ҳақида тушунтириш ишлари ўтказилмоқда.

Концепцияда таъкидланганидек, фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этувчи бўғин ҳисобланади. Ҳеч кимнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашувига, қонун талабларини бузишига йўл қўйилмайди. Бу каби ҳар қандай уриниш, ҳомийлик қилиш бўйича аниқланган далилларнинг олди олинади ва қонунга мувофиқ қатъий жазоланади. Сайлов кампаниясининг ҳар қандай иштирокчиси учун бирон-бир имтиёз ва преференциялар бериш истисно этилади. Сайлов қонунчилиги нормалари, талаблари, қонун ва мазкур Концепцияда белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир.

Концепцияда сайловчиларга сайлов қонунчилиги қоидаларини кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва маънавий фазилатлари билан таништириш учун шарт-шароитлар яратишга, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида мамлакатимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этишга катта эътибор қаратилган. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурлари қоидалари, улардаги мамлакатни ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалаларни сайловчилар ва кенг жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш бўйича кенг ҳамда тенг имкониятлар яратиш таъкидланган. Бундан ташқари, сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш учун шароит яратиш Концепциянинг асосий қоидаларидан бири ҳисобланади.

Сайлов кампанияси бошланиши эълон қилингунга қадар мазкур Концепцияда акс этган барча йўналишлар бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент, Бухоро ва Самарқандда сайлов мавзусига оид бешта халқаро конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда кўплаб таниқли хорижий экспертлар, олим ва мутахассислар иштирок этиб, Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг, шунингдек, сайлов кампанияси ташкил қилиниши жараёнининг демократик даражаси юқори эканлигини таъкиллашди.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун ва Концепцияга мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Тадбирлар календарь режасини тасдиқлади. Марказий сайлов комиссияси томонидан ушбу режани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги Низом, Сиёсий партия ваколатли вакилининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиши Тартиби ва 2009 йилдаги сайловни ўтказиш билан боғлиқ қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссияси сайловнинг ошкоралиги ва транспарентлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни ёритиш тўғрисида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан келишув битимлари имзолади. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигимиздан кўзланган асосий мақсад сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиши, сиёсий партиялар ва улар кўрсатадиган депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари билан ҳар томонлама таништириш, сайлов куни онгли равишда овоз бериш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов округларини ташкил этишга оид ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси ушбу масалаларга бағишланади.

**— Мирзо-Улуғбек Элчиевич, сиз юқорида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳақида гапириб ўтдингиз. Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови хусусияти нимадан иборат?**

— Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови асосий хусусияти унинг тартиботи демократик эканлигидадир. Аслида сайлов икки босқичда амалга оширилади. Олдин Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлинмаларининг тегишли конференциялари ўтказилиб, уларда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференциясига делегатлар Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳар бир ҳудудий бўлинмасидан тенг миқдорда, йигирма беш нафардан сайланади. Делегатлар ўн саккиз ёшга тўлган ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

> ***Ҳеч кимнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашувига, қонун талабларини бузишига йўл қўйилмайди.***

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш олий орган — Ўзбекистон Экологик ҳаракати Конференцияси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг ҳар бирида ва Тошкент шаҳридан Конференцияда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сифатида уч нафардан беш нафаргача ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасидан камида икки нафардан кўрсатилади.

Сўнгра, Конференцияда яширин овоз бериш йўли билан ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликдан биттадан ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасидан бир нафар, жами ўн беш депутат сайланади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига тайёргарлик ва уни ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади. Конференцияда кузатувчилар, шу жумладан, хорижий кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига нисбатан тенг сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш, ошкоралик, муқобиллик ва сайлов ўтказишнинг шу каби бошқа асосий демократик принциплари қўлланилади.

**— Сайлов кампаниясида сиёсий партияларнинг иштирок этиши тартиби қандай?**

— Юқорида қайд этилганидек, мамлакатимизда жамиятни босқичма-босқич ва изчил демократлаштириш давомида сиёсий партияларнинг роли ва фаоллиги мунтазам ортиб бормоқда. Ушбу жараёнга сайлов қонунчилигига киритилган ва партияларнинг сайловда, у якунлангач эса, партиялардан сайланган депутатлар орқали ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янада ривожлантиришга қаратилган самарали қарорларни қабул қилиш учун ҳокимият вакиллик органлари ишларида иштирок этиш имкониятларини кенгайтирадиган янги нормалар ёрдам беради. Бу галги сайлов кампанияси сиёсий партиялар сайловнинг асосий субъекти ҳисобланиши билан ажралиб туради. Буларнинг барчаси партиялар зиммасига ўз электорати, бутун Ўзбекистон халқи олдида катта масъулият юклайди.

Мисол учун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин. Марказий сайлов комиссияси партияларга белгиланган намунадаги имзо варақаларини тақдим этди. Айни пайтда сиёсий партиялар сайловчиларнинг партия сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзоларини тўпламоқда.

Шуни қиёслаб таъкиллаш жоизки, илгари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчилар имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин эди. Қонунга киритилган янги нормалар мамлакатимизда амалга оширилаётган сайлов қонунчилиги демократлашувининг яна бир тасдиғидир.

Зикр этилган Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қатор ҳужжатларни тақдим этиши керак. Булар — партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси ва имзо варақалари.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиши тартибига қараб, марказий матбуотда эълон қилинади.

Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади ва у сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Бунда сиёсий партиялар депутатликка бир юз ўттиз беш нафар, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан номзод кўрсатишга ваколатлидир. Хотин-қизлар сони депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим. Яна қайд этиш жоизки, сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир.

Қонуннинг 27-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Бунинг учун сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Йиғилишлар ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади.

Сайлов кампаниясининг келтирилган ҳар бир босқичи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

Шундай қилиб, қонунчиликда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида иштирок этиши барча жиҳатлари эътиборга олинган, уларга кенг ҳуқуқлар ва имкониятлар берилган. Ишонч билан айтиш мумкинки, шу йил декабрь ойида бўлажак сайлов сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора юксалиб бораётган шароитда ва партиялараро соғлом рақобат руҳида ўтади.

Қонун нормаларига оғишмай ва сўзсиз риоя қилиш амалда мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловнинг адолат, ошкоралик, очиқлик ва транспарентлик принциплари асосида ўтишига хизмат қилади. Марказий сайлов комиссияси фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқларини эркин рўёбга чиқаришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратади. Сайлов Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг чинакам демократиклигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлади.

**Ш. ОРТИҚОВ.**

*(«Халқ сўзи» газетасидан олинди)*

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ

Ҳафтанинг биринчи ярми умр йўлдошингиз билан оилавий ишларни амалга ошириш учун қулай келади. Режа ва лойиҳалар ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дўстлар билан мулоқотлар ҳам алоқаларни яхшилайди. Уларнинг маслаҳати мавжуд муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериши мумкин. Қатъий қарор келгуси ҳаётингизни ўзгартириши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

### СИГИР

Ҳафтанинг биринчи ярмида ишда ўзингизни кўрсатиб, вазифаларни бажаришдаги фаоллигингизни оширишга эришишингиз мумкин. Ташаббус кўрсатиш, иш юзасидан муносабатларни мустаҳкамлаш учун ҳафтанинг иккинчи ярми қулай бўлади. Саломатликни сақлаш, мустаҳкамлаш, мутахассис-шифокорга учраб, даволаниш курсидан ўтиш учун вақт ажратинг. Халқ табобатига ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

### ЭГИЗАКЛАР

Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярмида омадингиз келишидан дарак беряпти. Спорт, ижодий ишлар ва турли тадқиқотларда муваффақиятга эришиш имкониятлари туғилади. Билим олиш ва сабоқ бериш учун ҳам жуда қулайдир. Ҳафтанинг иккинчи ярмида шахсий ишлар кўпайиши кутиляпти. Кўпдан бери қийнаб келаётган касалликни даволатиш фақатгина ўзингизга фойда келтиришини унутманг.

### ҚИСҚИЧБАҚА

Огоҳлик, ҳушёрликни ошириш, хонадон хавфсизлиги каби масалалар билан шуғулланишни ҳафтанинг биринчи кунларидан бошлаш тавсия этилади. Кўчмас мулк, суғурта масалаларини ҳал этишга эса ҳафтанинг иккинчи ярми қулай бўлади. Шунингдек, қизиқарли учрашувлар бўлиши мумкин. Алимент, ворислик, мерос, кўчмас мулкни бўлиш каби судга тааллуқли масалалар ечимини топиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

### АРСЛОН

Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярми мулоқотлар, қисқа саёҳатлар учун қулай келишидан дарак беряпти. Турли келишмовчиликларга барҳам бериб, ҳамкорлик ва биргаликда ҳаракат қилишга киришиш керак. Маиший масалаларни ҳал этиш, таъмирлаш, қайта қуриш ишларини бажариш учун қулай бўлади. Ўзаро муносабатларда ишонч ва бир-бирини тушуниш кўп муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиши мумкин.

### БОШОҚ

Молиявий масалаларни ҳал этиш учун ҳафтанинг биринчи ярми қулай келиши кутилмоқда. Маошни ошириш ёки бошқа иш топиш имкони туғилиши мумкин. Бошлаган ишни давом эттириб, қўшимча даромад олиш имкониятидан унумли фойдаланинг. Ишқий муносабатлар, учрашувлар бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Саломатликни сақлаш учун вақт ажратиб, зарур муолажаларни бошлашни маслаҳат берамиз.

### ТАРОЗИ

Ижодий қобилият, имкониятингизни тўла ишга солишга ҳаракат қилинг. Спорт, ижод, танлов ва мусобақаларда омад кулиб боқиши кутиляпти. Ҳафтанинг иккинчи ярми молиявий масалаларни ҳал этиш, харид қилиш, кўчмас мулк тадбирларида қатнашиш учун қулай келади. Қариндошлардан кутилмаган совға олишингиз мумкин. Дам олиш, ҳордиқ чиқариб куч-қувват тўплашга ҳам вақт ажратинг.

### ЧАЁН

Оилада қулайлик, хонадонда саранжомлик яратишга ҳаракат қилинг. Қариндош-уруғлар, яқинларингиз билан муносабатни мустаҳкамлашга имкон топинг. Айрим қариндошлар сизга ишониб, сирларини айтишлари мумкин, ишончни поймол қилмаслик лозим. Уларнинг ишончи орқали маънавий ёрдам олишга эришасиз. Қисқа саёҳатга чиқиш, дам олиш учун ҳам имконият туғилиши кутиляпти.

### ЁЙ

Ҳафтанинг биринчи ярмида дўстлар билан кўп мулоқотда бўлиб, янги ахборотлар олиш имконига эга бўласиз. Сиздан ҳам маълумот олиш истагида юрганлар борлигини унутманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида яхши кунлар учун асраб қўйилган пулларни ишлатишга тўғри келади. Яна қўшимча даромад, фойда олиш имконияти ҳам туғилади. Дўстлар билан мулоқотда ўзаро ишончга эришишга ҳаракат қилинг.

### ТОҒ ЭЧКИСИ

Юлдузлар моддий аҳволни яхшилашнинг янги имконияти пайдо бўлиши мумкинлигидан дарак беряпти. Бунинг учун атрофдагилар ўртасида обрў-эътиборингизни кўтаришга ҳаракат қилишни маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дўстлар ва ҳаммаслаклар ёрдамидан баҳраманд бўлишингиз мумкин. Уларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли истиқболли режалар тузиб олиш имкони туғилади.

### ҚОВҒА

Узоқ сафарга ёки саёҳатга чиқиш, билим олиш учун ҳафтанинг биринчи ярми қулай бўлади. Янги билимларни ўрганиб, тажриба ва тадқиқотларни ўтказишда фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилинг. Янги танишувга тайёр туринг ва уни ошкор этмаган маъқул. Учрашувда ўзлигингизни намоён этишга шошилмасликни маслаҳат берамиз. Келаётган ҳафта саёҳатга чиқувчилар учун ҳам қулай бўлиши кутиляпти.

### ВАЛИҚ

Чалкаш ҳодисалар, сирли гапларни тушуниб олиш, ечимини топиш имкониятидан фойдаланиш мумкин бўлади. Суғурта, қарзни қайтариш, инвестициялар киритиш муваффақиятли кечиши кутиляпти. Ҳафтанинг иккинчи ярмида алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Ички туйғуга қулоқ солиб иш кўришни маслаҳат берамиз. Билим олишга, дўстлар даврасини кенгайтиришга ҳаракат қилинг.

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ДУШАНБА, 19 ОКТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Қаллоблар».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 – 9.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Бахт ўзи нима?» М/ф.
10.10 ТВ - анонс.
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ - анонс.
11.15 «КиноТеатр».
11.40 «Саломат бўлинг!»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ер фарзанди».
13.15 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи». 1-қисм.
13.55 ТВ - анонс.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Минг бир ривоят».
14.25 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи». 2-қисм.
15.05 «Ватанпарвар».
15.45 «Олам ва одам» дастури: «Маи-маи овловчилари».
16.10 ТВ - анонс.
16.15 «Бир кун».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.50 «Сизнинг адвокатингиз».
17.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тупроқдаги мўъжиза».
18.55 ТВ - анонс.
19.00 «Менинг оилам».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи». Премьера.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.35 «Иқлим».
22.40 «Моби Дик». Б/ф. 1-қисм.
23.40 ТВ - анонс.
23.45 «Олам ва одам» дастури: «Об-ҳаво мўъжизалари».
00.15 - 00.25 Тунги наволар.

**«Uzbekistan».**

00.25 Кўрсатувлар дастури.
00.30 «Бир кун».
00.55 ТВ - анонс.
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 -03.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Қишлоқ ҳаёти».
03.50 «Очун».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Қаллоблар».
05.10 «Ўзбекистон табиати».
05.30 «Нафосат олами».
05.40 -05.55 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Диёнат». В/ф.
8.45 Наманган вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Чуст пичоғи».
9.00 «Нафосат олами».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00 «ДАВР».
10.30 «Даврнинг боласи».
10.40 «Миллий мультфильм».
10.50 «Кичкинтойлар боғи».
11.00 «Тарих дарси».
11.50 «Yoshlar-FM».
12.10 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Конституция дарси».
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Шарқ гавҳари».
15.40 «Илҳом қанотлари».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари».
16.45 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
17.00 «KINOMANIYA».
17.30 «Дўстлик». Б/ф. 1-қисм.
18.40 «Миллий мерос».
18.50 «UzEX».
18.55 «Билим ва тафаккур».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Соғлик – бойлик».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаётбахш наволар».
22.00 «ДАВР».
22.30 Миллий кино: «Қизғалдоқ».
00.10 «Мўъжизавий дунё».
01.00 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Қақнус». Т/с 1-қисм.
16.20 «Саргузаштлар ороли».
16.45 «Сеними, шошмай тур!» М/ф.
16.55 «Карвонсарой».
17.05 «Аёл қалби».
17.20 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 1-қисм (Премьера).
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Анонс».
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 Мумтоз наволар.
19.50 «Саломат бўлинг!» (рус).
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25-23.55 «Крошка из Беверли-Хиллз». Х/ф.

### «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.30 - 11.30 «ПрофРИНГ».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус. тил)
18.55 Кураш. Жаҳон чемпионати.
19.45 ИнтерФутбол.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Машъал» - «Бунёдкор».
23.25 Бокс. Халқаро турнир.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 «Stayle.uz» дневник недели дизайна и моды
08.4 Ўзбек наволари
09.00 Концерт
11.30 «Пятое измерение» худ. фильм
13.40 Ўзбек наволари
14.00 «Stayle.uz» дневник недели дизайна и моды
14.10 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Премьера» (рус)
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 «Топ-10»
18.30 Сериал «ЖАССИГА ЎХШАШИ ЙЎҚ»
19.00 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «БЕЗ АНСАМБЛЯ» худ. фильм
23.35 Миксер

### «ЎзНТТ»

06.30 "Асрлар садоси"
07:00 Тонгги наволар
07:30 "Парламент соати"
07:50 "Суғдиёна" мунис аёллар кўрсатуви
08:00 "Буни ҳаёт дейдилар"
08:30 Болалар соати: "Янги авлод"
08:55 "Ёшлар" студияси кўрсатуви
09:15 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
09:30 "Жазо" б/ф
11:00 "Тарона"
11:30 "Бизнес репорт"
11:45 Кўнгил наволари
12:15 Кутилмаган томоша
12:30 "Тарона"
13:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13:45 "Тарона"
14:15 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари
14:30 "Тарона"
15:00 Оилавий экран: «Сўнгсиз тарих» б/ф
16:30 "Тарона"
17:00 Болалар соати: "Янги авлод"
17:25 "Ёшлар" студияси кўрсатуви
17:45 "Асрлар садоси"
18:15 «Чаён боласи» б/ф
19:15 "Тарона
19:45 "Азия-лото"
20:30 "ҲУДУД" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Суғдиёна" мунис аёллар кўрсатуви
21:00 "Яхши кайфият"
21:30 "Бизнес-репорт"
21:45 Кечки мусиқий бекат
22:00 Кечки кинозал: «Ёлғиз ёдгорим» б/ф
23:30 "Тунги ором" мусиқий дастур
00:00 "ҲУДУД" ахборот-таҳлилий дастури

СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ САБОҚ

**Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши миллий мустақиллик учун курашнинг қизғин палларига тўғри келди. Ушбу ҳодиса миллий мустақиллигимизнинг дастлабки ғалабаларидан бири сифатида қўлга киритилди. 1989 йил 21 октябрда давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши ўз вақтида ўзбек халқи учун катта маънавий-ҳуқуқий муваффақият бўлди. 1995 йил 21 декабрда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.**

# ДАВЛАТ ТИЛИ — МИЛЛАТ ШАЪНИ ВА ҒУРУРИ

Давлат тилини изчил жорий этиш жараёнини такомиллаштириш, қонуннинг ҳаётга татбиқ этилишини кучайтириш ижтимоий зарурият эди. Шу билан бирга, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш ҳам мувофиқлаштирилиши лозим бўлган ижтимоий ҳодисадир. Чунки улар бир-бирисиз амалга ошмайдиган жараёнлар, яъни давлат тилини билмасдан ёхуд ўрганмасдан туриб ўзбек-лотин алифбоси ва имлосини ўзлаштириш мумкин эмас. Айни пайтда ўзбек-лотин алифбосини ўрганиш, татбиқ этиш ҳам давлат тили билимини тақозо этади. Фараз қилинг: шундай ҳаётий тажриба кечди. Бир ташкилотда ўзбек-лотин алифбоси ва имлосини ўрганишга киришилди. Дастлабки дарсларда алифбо, яъни ўзбек ҳарфлари ўргатилди. Гуруҳлар таркибидаги давлат тилини биладиганлар ҳам, билмайдиганлар ҳам алифбони ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар. Лекин имло қоидаларини ўрганишга ўтилиши билан иш мураккаблашди. Давлат тилини вақтида ўрганмай ёхуд ўрганишни пайсалга солиб юрган кишилар, тил материалини билмагач, унинг имло қоидаларини мутлақо ўзлаштиролмай қолдилар. Шу тариқа, эндиги босқичда давлат тилини ўрганиш, унга амал қилиш табиий эҳтиёж ва заруриятга, ҳатто тобора англанган мажбуриятга айланиб боради. Республика миқёсида расмий ҳужжатчилик ва иш юритиш ўзбек-лотин ёзувидаги давлат тилида бўлганидан кейин, уни ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ҳаёт тақозосига кўра онгли равишда ўрганишга интилади.

Янги таҳрирдаги давлат тили қонунининг афзал томонлари шундаки, у шаклан ва моҳиятан янгиланган. Тил ва услуб жиҳатидан соддалашган, ихчамлашган. Ҳуқуқий асослари аниқроқ, қатъийроқ, амалиётга мувофиқ даражада ифодаланган. Янги таҳрирдаги давлат тили қонуни Истиқлол қонуни сифатида майдонга келди. Тил қонуни шўровий мафкура ва андозадан батамом озод бўлишининг ўзи ҳам унинг қудратини оширади ҳамда жорий этилиши жараёнини жонлантиришга омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи тенг ҳуқуқли миллат ва элатлардан бирининг тилига давлат тили мақомига баробар имтиёз бериш мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг турли миллатга мансуб фуқаролар тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги моддаларига ҳам, давлат тили қонуни биринчи моддасининг биринчи бандига ҳам тўғри келмас эди. Шу жиҳатдан, давлат тили қонунининг янги таҳрирдаги матнида давлат тилининг устуворлик мақомига муҳофаза ўрнатилди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 3-моддаси сўнгги бандларида шундай дейилади: «Ушбу қонун тилларнинг турмушда, шахслараро муомалада ҳамда диний ва ибодат билан боғлиқ удумларни адо этишда қўлланишини тартибга солмайди.

Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгадирлар».

Равшанки, бирор миллат тили, ҳаттоки, давлат тили ҳам миллатлараро муомала тили сифатида белгиланмади. Хўш, мустақил Ўзбекистон мамлакатида миллатлараро муомала тили бугун ва келажакда қайси тил бўларкин? Ўзбек тилими? Рус тилими? Ёки фаол умумжаҳон тилларидан бири — инглиз тилими? Албатта, тилнинг фаолияти жараёни расмий муомалада ҳам, норасмий муомалада ҳам кечади. Давлат тили бўлганидан кейин она тилимиз ғайрирасмий муомалада ҳам расмий мақомини мустаҳкам эгаллаши, миллатлараро муомала тилига айланиши бизнинг келажакдаги орзуйимиз. Бироқ тилларнинг ғайрирасмий муомаладаги фаолиятини тартибга солишни давлат тили қонуни ўз зиммасига олмайди. Мустақил Ўзбекистон жамиятининг демократик тамойилларига таянган ҳолда, миллатлараро муомала тилини танлаш ҳуқуқи халқнинг ўз хоҳишига ҳавола этилади.

Ҳақиқатан, ўзбек халқининг миллий онги, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғулари юксак даражада шаклланса, собит суръатда сақланса, ўшандагина давлат тили ҳар томонлама ўзининг олий рутбасига эришади. Мустақиллик учун кураш паллаларида халқ шу нуқтаи назардан уйғонди, миллий ўз-ўзини англаш жараёни жонланди, жамиятимизнинг барча табақалари ва элатларида она тилимизга ҳушёр муносабат пайдо бўлди. Оилаларда, иш жойларида, кўчаларда, метро бекатларида русийзабон биродарларимизнинг она тилимизни сидқидилдан ўрганаётганликларини кўрдик.

Биздаги миллий онг, миллий ифтихор, ватанпарварлик етарли даражадами? Бу аҳволда она тилимиз миллатлараро муомала тили мақомига кўтарила оладими? Ушбу масала она тилимизга муҳаббатнинг умумхалқ даражасига боғлиқ бўлиб қолади. Агар давлат тили билимини ўзга миллат ва элат намояндаларига сингдира олмасак, уларнинг дилларида тилимизнинг гўзал имкониятларига табиий меҳр-муҳаббат уйғота олмасак, ўзбек тили миллатлараро муомала тили мавқеига кўтарилиши қийин.

Ўзбекистонда рус тилининг ўрганилиши улкан самаралар берди. Бугунги кунда республикамиздаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли рус тилини тушунади ва гаплаша олади. Бир халқнинг тилини билиш унинг маънавиятини ҳам ўзлаштириш демакдир.

Мустақиллик шарофати билан биз жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлдик. Жаҳон миллатлараро муомала воситаси инглиз тилидир. Мамлакатимизга турли мақсадлар билан кириб келаётган хорижий давлат фуқаролари тобора кўпаймоқда. Бу, табиий равишда, муомала жараёнида инглиз тили ҳам ўзига хос ўрин тутишини тақозо этади. Ҳатто, келажакда инглиз тили бошқа тиллар билан рақобатлашиб, муомала жараёнида асосий мавқе қозониб, миллатлараро муомала воситасига айланиши эҳтимолдан холи эмас. Муаммога Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» сарлавҳали нутқидан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак: «Аммо шунга алоҳида урғу беришимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш, минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин».

Ўзбек тили ўз Ватанида давлат тили мақомида мустаҳкам туриши учун у жаҳон тиллари орасида муносиб ўрин эгаллашига эришишимиз лозим. Ўзбек тили давлат тили мақомида устувор туриши учун уни жаҳон халқларига танитиш, жаҳон халқлари ҳам уни тан олиши муҳимдир. Ҳозиргача хориждан келаётган мутахассислар Ўзбекистонни, асосан, рус тили орқали кашф этмоқда. Хориждан келадиган меҳмонлар Ўзбекистонни ўзбек тили орқали танишлари (ўзбек тилини ўрганиб келиши ёки келиб ўрганиши) бизнинг давлат тили сиёсатимизга боғлиқ. Ватанимизда ва жаҳон мамлакатларида она тилимизнинг хорижий тил сифатида ўқитилишига эндиликда давлат миқёсида алоҳида эътибор берилмоғи зарур. Бу улкан йўналишнинг тизими, дастурлари, қўлланмалари, тегишли луғатлари ишлаб чиқилиши ҳозирги долзарб вазифалардандир. Она тилимизнинг чет давлатларда ўқитилиши жаҳоннинг мамлакатимизга эътиборини кучайтиради ва айни пайтда, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини оширади.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан она тилимизни бойитиш ва софлаштириш ниятида қизғин ислоҳот жараёни бошланиб кетган эди. Кенг жамоатчилик ташаббуси билан жонли мулоқот, матбуот, нашриёт, ҳужжатчилик, фан ва техника соҳаларида юзлаб сўз ҳамда атамалар муомалага киритилди. Лекин бу жараён бир муддат назоратсиз, бошқарувсиз, тизгинсиз давом этди. Бундан ижобий натижалар билан бирга, салбий оқибатлар ҳам юзага келди. Масалан, сув таъминоти ташкилотининг пешонасига «Сувсоз» трести» деб ёзиб қўйишди. «Водник» мавзесининг номини ҳам «Сувсоз деб таржима қилишибди. Ахир, «соз» сўзи форсий «сохтан» — «ясамоқ» феълининг ҳозирги замон ўзаги-ку! Шундан адабий тилимизда «созламоқ» — «тузатмоқ» феъли вужудга келган. Сувни ҳам ясаш, созлаш мумкинми ҳеч замонда?! Давлат тили қонуни берган эркинликни нотўғри тушуниш, суиистеъмол қилиш, мантиқсиз, пала-партиш иш тутиш она тилимиз услубларига ҳам, нутқ маданиятимизга ҳам путур етказмоқда. Жонли тилдаги «гап йўқ» деган чапани бир ибора телекўрсатувга ном қилиб қўйилди. Шундай иборалар қўшиқ ва матбуоту нашриёт ишларига ҳам оралаб қолди. Қизиқарли кўрсатувлардан бирининг бошловчиси «Сиз совғага, совринга мушарраф бўлдингиз» дейиш ўрнига, баралла «Совға ва соврин Сизга мушарраф бўлди» дея қайта-қайта сўзни мазмунга тескари қўллаш борасида «ўрнак» кўрсатди. Бу каби салбий ҳолларга чек қўйиш керак.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 7-моддаси ана шундай бошбошдоқликни бартараф этишга, она тилимизнинг янгиланиш ва бойиш жараёнини тартибга солишга қаратилган: «Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади.

Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, уни ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди.

Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади».

Демак, давлат тили қонуни ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилишини талаб қилади. Хусусий имлода китоб нашр этишни, сунъий сўз ва атамаларни ўзбошимчалик билан расмий муомалага киритишни, расмий услубга ғайрирасмий сўз-ибораларни татбиқ этишни қонун тақиқлайди. Қонунга биноан, илмий асосланган, ҳамма эътироф этган, яъни жамоатчилик муҳокамасидан ўтган, Атамашунослик қўмитаси томонидан тасдиқланган атамаларгина ўзбек адабий тилига жорий қилинади.

Қонун амалий фаолият учун катта имкониятлар муҳайё этганига қарамай, давлат тилини изчил жорий этиш жараёнини такомиллаштириш ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига мукаммал ўтилишини таъминлаш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Ҳар бир ташкилот, муассаса, ўқув юрти ўзининг ички иш юритиш тизимида ўзбек лотин алифбоси ва имло қоидаларини амалда қўллаш бўйича малака ҳосил қилса, умумхалқ миқёсида лотин алифбосига ўтиш жараёни тез ҳамда осон кечади. Саводхонликни изчил юзага чиқариш учун матбуот ва нашриётлар ҳам пешмапеш лотин алифбосига асосланган ёзув амалиётига ўтиб борсалар, яхши бўларди.

Хуллас, амалда изчил татбиқ этилса, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун она тилимиз нуфузини, ҳуқуқини сақлай олади. Эҳтимол, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ҳамда ўзбек лотин алифбоси ва имло қоидалари муайян давр синовларидан ўтиб, янада такомиллаштирилар. Зотан, халқнинг умумий даражаси, савиясининг кўтарилиши унинг ҳуқуқий онги юксалишини ҳам таъминлайди. Буюк келажак яратаётган эл мақомининг юксалиши она тили мақомини ҳам юксалтиражак. Зеро, давлат тили — миллат шаъни ва ғуруридир.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори.**

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# АРАСТУ – БУЮК ДОНИШМАНД



***Қадимги Юнонистонлик буюк файласуфлар Сократ (Суқрот), Платон (Афлотун), Аристотель (Арасту)ларни бутун инсоният томонидан бирдек ҳурмат қилиниши уларнинг илмий дунёқарашларида, оламни билишнинг ўзига хос шакли сифатида мантиқий хулосаларининг устунлигидадир. Бу уч файласуфнинг дунёқарашлари, билдирган фикрлари XV-XVI асрларгача мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиниб келинди ва айримлари ҳозирги даврда ҳам ўрганилмоқда.***

Аристотель (Арасту) милоддан аввалги 384/383 йилда Стагирада (ҳозирги Салоник шаҳри яқинида) таваллуд топган. Милоддан аввалги 367 йилда Афинага бориб, Платон академиясида йигирма йил давомида таҳсил олди ва ўша жойда фаолият кўрсатди. 343 йилдан эътиборан Македония подшоҳи Филипп таклифи билан ўғли Александрга мураббийлик қилади. 335 йилда Афинага қайтиб, ўзининг Ликей мактабини ташкил этади. Александр Македонский (шарқда Искандар Мақдуний) вафотидан кейин 323 йилда худосизликда айбланиб, Эвбея Халкидасига қочишга мажбур бўлди ва умрининг охиригача шу ерда яшаб, милоддан аввалги 321 йилда вафот этади.

Арастудан жуда бой фалсафий мерос қолган бўлиб энг машҳурлари «Поэтика», «Ғоялар ҳақида», «Полития», «Фаровонлик ҳақида», «Категориялар», «Метафизика», «Сиёсат», «Экономика», «Этика», «Риторика», «Жон ҳақида», «Аналитика» ва бошқалардир. Арастунинг асарларини ўқиб-ўрганган барча замонларнинг олимлари уни устоз деб билганлар.

Арасту қомусий билимлар соҳиби, перипатетика мактаби асосчиси, унинг таълимоти айрим, алоҳида фанларни фалсафий нуқтаи назардан ёритиб берди. Фан соҳаларини таснифлашда фалсафий тизим яратиш билан Арасту инсоният тафаккурини ривожлантиришга жуда кучли таъсир кўрсатди. Унинг ижоди ўз замонидаги деярли барча билим соҳаларини қамраб олди. «Метафизика» асарида Платон (Афлотун)нинг ғоялар назариясини танқид қилди. «Платон ғоялари» моддий предметларнинг оддий нусхаси, айнан ўзи эканини кўрсатди. Арасту айримлик ва умумийликнинг ўзаро муносабати масаласини ҳал этди. Айримлик «бирон-бир жой»дагина ва «ҳозир»дагина мавжуддир, уни ҳис билан идрок этиш мумкин. Умумийлик эса ҳар қандай жойда ва ҳар вақтда мавжуд, у муайян шароитда айрим ҳолда юзага келиб, шу айримлик орқали идрок қилинади. Шунингдек, умумийлик – фан предмети. Уни ақл воситасида билиб олиш мумкин. Арасту оламдаги ҳодисалар ва предметларнинг сабабларини тўрт гуруҳга бўлади: биринчиси – моддий сабаб ёки шакл; иккинчиси – шаклий сабаб ёки шакл; учинчиси – юзага келтирувчи сабаб; тўртинчиси – охирги сабаб ёки мақсад. Арасту материяни дастлабки сабаблардан бири, деб эътироф этса ҳам, уни фақат пассив асос, имконият холос, қолган уч сабабни эса – фаол сабаб, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, шаклсиз ҳеч қандай нарсанинг бўлиши асло мумкин эмас, шакл – борлиқ моҳиятидир, шакл – абадий, ўзгармас ва моддий сабабдан устунроқдир. Юзага келтирувчи сабаб ҳаракат ёхуд турғунлик манбаидир. Ҳаракат, дейди Арасту, бирон-бир нарсанинг имкониятдан воқеликка ўтишидир. Ҳаракатнинг тўрт тури мавжуд. Булар: сифатли ҳаракат ёки ўзгариш; миқдорий ҳаракат ёки кўпайиш ва камайиш; жойни ўзгартириш ёки макондаги ҳаракат; вужудга келиш ва йўқ бўлишдан иборат. Охирги сабаб ёки мақсад – ҳаракат. Ўзгариш, инсон фаолиятининг оқибатидир. Арасту таълимотига биноан худо – ўз қонунлари бўйича ривожланаётган барча шакллар, табиатдаги жамики ҳодисалар ва ҳамма мавжуд нарсаларнинг олий мақсад, «шаклларнинг шакли», оламни ҳаракатга келтирувчи илк кучдир. Унинг назариясига кўра, ҳар қандай реал мавжуд бўлган айрим нарса «материя» билан «шакл»нинг бирлигидан иборат, «шакл» эса нарсанинг ўзига хос «кўриниши»дир, унга ҳам «материя», ҳам «шакл» деб қараш мумкин. Шу тариқа бутун воқе олам «материя»дан – «шакл»га ва «шакл»дан – «материя»га изчил равишда ўтиш жараёнидан иборат.

Арасту билиш ҳақидаги таълимотида «диалектик» билиш билан «аподиктик» (апо... (юнонча аро – ...дан) қўшма сўзлар бўлаги, бирор нарса йўқлигини, инкорни; бирор нарсадан пайдо бўлганликни билдиради) билишни бир-биридан фарқлайди.

«Диалектик» билиш – тажриба самараси бўлмиш «фикр»ни, «аподиктик» билиш эса ишончли билимни вужудга келтиради. Аммо Арасту тажрибани ишончли билимнинг олий даражаси, деб ҳисобламайди. Унинг фикрича, билимнинг энг олий қонун-қоидалари бевосита ақл воситасидагина идрок этилади.

Арасту мантиқ илмининг асосчисидир. Арасту яратган ва «аналитика» деб номлаган мазкур фан тафаккурнинг тушунча, муҳокама, хулоса каби асосий шаклларидан, айният, қарама-қаршилик ва учинчиси истисно қонунларидан, фикрни исботлаш ёхуд рад этиш услубларидан, бир қанча категориялардан иборат. Мантиқ «илк фалсафа» («метафизика») билан биргаликда фан соҳаларининг фалсафий тасниф тизимини ташкил этади. Лейбниц, Арасту мантиққа илк бор математик билим шаклини берди ва бунинг учун инсоният унинг олдида қарздор деган эди. Бошқа соҳалар ривожи мисолида ҳам бу ҳақиқатга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Биология соҳасидаги Арастунинг илмий хизматларидан бири – ўсимлик ва ҳайвонот турларининг биологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таълимотидир. Ўсимликларнинг уруғдан ўсиб ривожланиши, ҳайвонлардаги инстинктларнинг мақсадга мувофиқ тарзда юзага келиши, аъзоларининг ўзаро мутаносиб равишда ҳаракат қилиши – табиатдаги мақсадга мувофиқлик намунасидир.

Арасту жаҳон илм тарихида илк бор ахлоқ фани – этикага асос солди. Унинг ахлоқ соҳасидаги маънавий идеали Худодир. Худо энг олий файласуф ва мутафаккирдир. У ақл-заковатнинг кузатиш, мушоҳада қилишдан иборат фаолиятини барча неъматлардан устун қўяди, уни эзгулик, роҳат ва лаззат манбаи, деб билади. Амалий фаолият эса ҳамиша ҳам ақл ҳукмига бўйсунавермайди, бинобарин кундалик ишларда ҳам ақл, ҳам ҳаётий тажрибани ишга солиб ўрта йўлни танлаган маъқул.

Арастунинг сиёсий қарашлари «инсон – ижтимоий маҳлуқдир» деган ғояга асосланади, яъни оила, жамият, давлат – инсон ҳаёти ва фаолиятининг асосий соҳаларидир, буларсиз у яшай олмайди. У оилавий ва ижтимоий тарбияни давлат тузумини мустаҳкамлаш воситаси, деб билади, бинобарин мактаб фақат давлатники бўлиши, унда барча фуқаролар аввало давлат тузук – тартиботидан сабоқ берувчи илмларни эгаллаши шарт. Арасту давлат масаласида ҳар қандай арбоб қулай сиёсий шарт-шароит вужудга келишини кутиб ўтирмай, мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, конституция асосида кишиларни бошқара билиши, биринчи галда, ёш авлоднинг жисмоний ва ақлий тарбияси ҳақида қайғуриши лозим, деб ҳисоблайди.

Арасту давлатни идора этишнинг учта маъқул ва учта номаъқул шакли мавжуд, деган ғояни илгари суради. Яхши бошқарув шакллари амал қилган давлатда ундан ғаразли мақсадларда фойдаланиш имкони истисно этилади, ҳокимият эса бутун жамият хизматида бўладики, булар – монархия (якка подшо ҳукмронлиги), аристократия (аслзодалар ҳукмронлиги) ва «полития» (ўрта табақа, мўътадил демократия ҳукмронлиги)дир. Аксинча, тирания (золимона ҳукмронлик), соф олгархия (қудратли кишилар тўдасининг ҳукмронлиги) ва охлократия (ҳаддан ошган оломон ҳукмронлиги) – монархия, аристократия ва «полития» шаклларининг вақт ўтиши билан батамом айниган, юзтубан кетган кўринишидир.

Арастунинг тарбия назарияси замирида ахлоқий ва руҳий қарашлари ётади: тарбиядан мақсад – руҳнинг олий жиҳатлари бўлмиш ақл-заковат ва ироданинг камол топишидир. Тарбиянинг ўзаро чамбарчас боғлиқ уч жиҳати – жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбия – руҳнинг уч турига мос келади, яъни камолотга эришишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари – табиий қобилият, кўникма ва ақлидрокдан иборат ҳамда тарбия иши айни шу кучларга асосланиши зарур.

Шу ўринда Суқрот, Афлотун ва Арастунинг устоз ва шогирдлик муносабатлари устоз-шогирдликнинг буюк намунаси саналади. Арасту ўз билимини ёшларга ўргатиш борасида устозлардан кўра ўзгача йўл тутган. Айнан шу боис унинг таълимини олган Александр Македонский билим ва истеъдоди, куч-қудратини амалий мақсадлар йўлида сарфлаган. Буни «Арастунинг Искандарга насиҳати» рисоласидаги насиҳатларида ҳам кўриш мумкин: «...Билгинки, агар замона ҳукмдорлари солиҳ бўлсалар, халқ учун улардан яхшироқ одам йўқ. Агар ҳукмдорлар бузуқу фосиқ бўлсалар, халқ учун улардан ёмонроқ кимса йўқ. Ҳукмдор (волий)нинг фуқарога нисбатан тутган, руҳнинг баданидаги мақоми, бошнинг инсоннинг бошқа аъзоларига нисбатан тутган мавқеига ўхшайди. Руҳсиз бадан ўлими муқаррар, бошсиз аъзолари ҳам сақланиб турмайди.

...Сен ҳирс ва тамадан сақланишинг керак. Сени ислоҳ эта оладиган ва ўзингнинг ёрдаминг билан тузалишингга сабаб бўладиган куч – тўғрилик, порсолик ва тақводорликдир. Тақводорлик имон воситасида камол топади. Имон эса фикру андиша соясида ҳосил бўлади... Шоир Гомер демишким: «Ҳар бир зиддиятли нарса ўз зиддиятига қаршидир. Заволу йўқолиши яқин бўлган нарсанинг яхшилигу фойдаси йўқдир».

Ўзингнинг номаъқул хулқ-атворингни тузатгил. Зероки, агар ёмон ахлоқ дунёвий майлу истаклар билан бирлашса, худди оловга ўтин ёки балиққа денгиз муносиб бўлгандек бўлади. Агар номаъқул хулқ-атворни ўзингдан узоқлаштирсанг ва ул нафсоний истакларинг йўлини тўссанг, олов ўтин йўқлигида ўчгандек, балиқ денгиз бўлмаганида ҳалок бўлганидек, сенинг номаъқул хулқ-атворинг ҳам йўқола бошлайди. Агар бойлик тиласанг, уни қаноатдан изла. Гомер шундай деган экан: «Кимки қаноат қилишни тарк этса, у бадавлат бўлолмайди. Қаноатли бўлмаган шахс фойда ҳам олаолмайди. Билгилки, бу дунё ишлари билан машғул бўлмоқлик ва ҳаёт кечирмоқликнинг аломатларидан бири шулким, унинг бир чеккасини хароб этмагунингча, иккинчи чеккасини тузата олмайман».

... Шаҳвоний ишларда парҳез қилгил. Шаҳватни тарк этишда қуйидаги ҳикматни ёдда тутсанг сенга ёрдам беради. Билгил, шаҳват ақлни емиради, фикрни қоронғулаштиради, шахснинг обрўсига доғ туширади ва унинг буюк ишлар қилишига тўсқинлик этади. Зеро, шаҳвату фасодга етакловчи куч-кўнгилхушликдир.

Мағрурланиб кетишдан ва гердайишдан сақлангил, чунки нимадан ва қаердан пайдо бўлганингни ўзинг биласан ва қаерга боришингни ҳам яхши тушунасан...

Билгилки, яхши ишлар қилувчи кишилар (никукорлар) бир-бирлари билан учрашганда, худди суви тезда дарё суви билан қўшилиб кетгани каби бир зумда иноқлашиб, келишиб оладилар. Бироқ бузғунчилар узоқ вақт қўшилишга ва мушоират қилишга уринсалар ҳам худди узоқ муддат бирга яшаб, бир-бирига илтифот қилмаган тўрт оёқли ҳайвонлар мисоли жуда кеч ўзаро келишиб оладилар...

Афлотун демишким, чироғнинг нури тун зулматини ҳайдагани каби ишлардаги ноаниқлик ва қоронғулик ҳам оқил кишилар ақлининг ёғдуси билан ойдинлашади ва ошкор бўлади. Шояд, ўйлаб-ўйлаб, агар донишмандлардан мадад сўрасанг, баъзиларнинг сенга ҳақоратли қарашига ёки мазкур донишмандларнинг наздида хору зор бўлишингга сабаб бўлади деб натижа қилурсан. Зероки, илму дониш билан бажарган ишларинг ва нодон шахсларга қарши курашиб ғалаба қилганингни нафи ва аҳамияти бошқа ҳар қандай йўл билан эришган натижангдан юқорироқ туради ва улуғроқдир. Яна шуни ҳам билгилки, икки гуруҳ одамлар мавжуд. Юқори олимлардир. Илм истовчилардан бўлсанг, улар наздида мақоминг юқорироқ бўлади. Бошқаси, жоҳиллардир. Улар билан келишиб бўлмайди.

... Билгилки, мамлакат молиявий аҳволини ислоҳ қилиш, (девон) ходимлари ва вазирларнинг қай йўсинда иш юритишига боғлиқ. Агар молиявий ишларни ислоҳ истасанг, ходимлар ва вазирларнинг тўғри иш тутаётганлиги хусусида ишонч ҳосил қилишинг лозим. Уларга нисбатан лутфу иноят қилгин. Кўп сонли ходим ва вазирлардан тўғри иш тутадиган оз қисминигина танлаш билан кифояланган. Зеро, гавҳар вазни енгил бўлса ҳамки қимматбаҳолидир, тош эса оғир бўлгани билан камбаҳо бўлиб қадрланмайди. Бундан кейин солиҳу тўғри амалдорларни танлашга ҳаракат қилгил...»

Арасту Искандарга тарбия бериш жараёнида одамларни фақат икки турга – юнонлар ва варварларга бўлади. У бўлғуси жаҳонгирга юнонларга ўз биродарларидай, варварларга эса қулларга қарагандай муносабатда бўлишни маслаҳат беради. Инсонларни бу тарзда табақалаштиришни донишманд табиий бир ҳодиса сифатида қабул қилган. Аммо Искандар Арастунинг маслаҳатларига қанчалар амал қилган-қилмагани тўғрисида маълумотлар камдир, чунки жаҳонгирнинг шахсияти илоҳийлаштирилиши натижасида ҳақиқат анча хира тортиб кетган. Юнонистонлик яна бир файласуф Эрастофен, Арастуга эътироз билдириб, Искандарни унинг маслаҳатига амал қилмагани учун олқишлаган.

Ўтган барча замонларда Арасту комиллик тимсоли бўлиб келган ва шундайлигича қолади. Сабаби тараққиётнинг биринчи босқичига бевосита унинг замонасида буюк шахслар томонидан асос солинган бўлса, инсоний тамаддуннинг янги босқичи ҳам ундан, тўғрироғи, унинг танқидидан бошланган эди. Ўтган давр олимлари Арастунинг айрим илмий, фалсафий ғоя ва қарашларидаги ноҳақлигини исботламоқчи бўлиб жиддий кураш бошлаганлар. Натижада янги тараққиёт йўлига чиқиб буюк кашфиётлар, ихтиролар қилганлар. Билим ва фазилатлар мужассами бўлган бу инсон минглаб йиллар давомида ўз қарашлари билан инсониятни янада юксак тараққиётга даъват этаверади.

**Акром АКМАЛОВ,**
**Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази масъул ходими, доцент.**

**ЎЗ СОҲАСИНИНГ БИЛИМДОНЛАРИ**

# ТИРИШҚОҚ ТЕРГОВЧИ

***Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси ходимлари ҳақида мақола тайёрламоқчи эканлигимни айтганимда, бошқарма бошлиғи сира иккиланмай терговчи, капитан Нодир Ҳайдаровни тавсия этди.***

– Нодир ёш бўлишига қарамай жуда тиришқоқ ва билимли, – дея таърифлади полковник Ф. Магдиев. – Ўз устида мунтазам ишлайди. Касб маҳорати, хизмат ва жисмоний тайёргарлигини оширишда фаол. Берилган топшириқларни виждонан бажаради. Юритувидаги жиноий ишларни қонунан тўғри малакалайди. Ҳамкасбларидан меҳнатсеварлиги, кўнгли очиқлиги, ҳамиша дўстларга ёрдам беришга шайлиги билан ажралиб туради.

Баъзан бирор инсон ҳақида унинг қилган ишларига қараб муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин. Нодирнинг ички ишлар идорасига киришига бир воқеа сабаб бўлган.

## БАҲОНАИ САБАБ

Ўша куни синфдоши билан дарс тайёрлаб, алламаҳалгача қолиб кетган Нодир уйига қайтарди. Ғира-шира қоронғуликда рўпарасидан келаётган икки ўсмирга эътибор бермади. Улар яқинлашгач Нодирга ташланиб қолишди. Буни кутмаган йигит дабдурустдан тушаётган зарбалардан ўзини йўқотиб қўйди. Зўравонлар уни дўппослаб уст-бошини ечиб олишаркан, кўздан ғойиб бўлишди.

Бу воқеа болалигидан ички ишлар ходими бўлишни орзу қилган Нодирга қаттиқ таъсир қилди. Унинг аҳди янада қатъийлашди. У энди астойдил ўқир, орзусига етишиш истаги оромини ўғирлаб, тинчлик бермасди. Ахир ўзи сингари жабр чекаётганлар қанча? Безорилар қилмишлари учун жазо муқаррар эканлигини наҳот билишмаса?!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясига ҳужжатларини топширган йигитча синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинди.

## ИЛК МУСТАҚИЛ ИШ

2004 йили илмгоҳни тугатган Нодир Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ тергов бўлимида терговчи лавозимида иш бошлади. Унга хонадон ўғирлиги жиноятини очиш топширилди. Фуқаро Л. Аҳмедованинг уйидан 500 минг сўмликдан зиёд мол-мулк ўғирланганди. Бир қарашда жўндек туюлган «иш» тергов жараёнида нақадар машаққатли ва чигал эканлиги аён бўлди. Айниқса, айбланувчининг ўзини тутиши, турли ёлғон-яшиқларни «уйиб» ташлаши терговчининг ишини чигаллаштирди. Унинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатаётган устози, майор Аҳрор Садиллахоний шогирдига ёрдамга келди. Иккиси узоқ ўтириб, сўроқ қилиш усуллари ва йўриқларини мукаммал ишлаб чиқишди. Натижада жиноят очилади. Шу-шу Нодирга жиноятларни фош этишда унинг тажрибалари асқотди.

## ОРИЯТНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Аёлларнинг фариштамонанд фазилатлари ҳақида кўп ёзилган. Аммо афсуски, улар орасида бу сифатларга мутлақо зид бўлган, аёл дейишга тилинг бормайдиганлари ҳам йўқ эмас. Алфия мустақиллик шарофати билан яратилаётган имтиёзлар, эркинликларни ўзгача тушунди. Эркинлик – бу кўнглимга сиққан ишни қилиш деган ўйда чет элга йўл олди. Дубайга бориб, энг жирканч иш билан шуғулланди. Кўп ўтмай ишратхона очса ўзи шуғулланганидан кўра кўпроқ даромад олиши мумкинлигини ўйлаб, ёнига ҳамтовоқлар йиға бошлади. Буни қарангки, Нурия, Зулукхон исмли аёлларнинг ҳам дарди-фикри белини оғритмай пул топиш экан. Улар тез тил топишиб, Алфияга қиз-жувонларни пайдар-пай етказиб беришга келишишди. Улар шаҳарма-шаҳар кезиб, содда хотин-қизларни чет элда яхшигина маошли иш борлигига ишонтира бошлашди. Ваъда қилинаётган катта миқдордаги пулни эшитганлар тезроқ айтилган манзилга боришга шошилишарди. Алфиянинг бозори қизигандан-қизиб борарди. Унинг сурбетлиги шу даражага етдики, ҳатто бир жабрдийданинг паспортидан фойдаланиб, Ўзбекистонга келди ва гумашталарига топшириқлар берди. Шундан сўнг шериклари 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган «ҳурлиқо»ларни излаб топиб, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириш пайига тушишди. Вояга етмаган Сулув ва Осиё (исмлари ўзгартирилган) ана шундайлардан эди. Турли ваъдалар, алдовлар билан республикамиздан олиб чиқиб кетилган бу икки жабрдийда амаллаб наҳс босиб кетган ишратхонадан қочишга муваффақ бўлишди. Улар берган кўрсатмаларга асосан Алфия ва унинг жиноий шериклари фаолиятига чек қўйилди.

## СОДДАДИЛЛАР УЧУН ТУЗОҚ

Муқаддам судланган Шавкат илгари ҳам бирор ишни қойиллатмаган эди. Дабдабали яшаш унинг доимий орзуси бўлиб, қинғирлиги туфайли илгари ҳам «ўтириб»чиққанди. Бироқ бу мўмай пул топиш ниятидан қайтармади. У кўп ўйлаб бир режа тузди. Ўзига муқаддам судланган Отабекни шерик қилди. У эса энди йигирма ёшдан ошган Амирсаид, Телман ва Музаффарни гуруҳга тортди. Бинонинг салобати, қимматбаҳо жиҳозлар соддадилларнинг руҳиятига таъсир кўрсатишини яхши билган Шавкат шаҳарнинг энг кўркам, турар жой биносидан бир неча хонани ижарага олиб, ўз «фаолиятини» бошлади. У ҳамтовоқларини ҳавас қиладиган даражада кийинтиришни ҳам унутмади. Шавкатнинг шу режаси иш бера бошлади. Қаллоблар томонидан тузилган ноқонуний фирмага мурожаат қилувчилар сони кундан-кун эмас, соат сайин кўпайиб борди. Тергов жараёнида Германия давлатига ишга юборилганлар, 1500-1800 евро маош олиши, 3 маҳал иссиқ овқат, шинам ва иссиқ жой билан таъминланишига кафолат берган мазкур фирмага 400 нафарга яқин соддадил фуқаролар мурожаат қилишгани аниқланди. Фирибгарлар эса тузоққа илинганлардан «йўл харажатлари» учун 1000-3000 АҚШ долларигача пул олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишган.

– Мени лол қолдирган нарса жабрдийдаларнинг: «Улар бегуноҳ, қўйиб юборинглар, Германияга кетишимизга сизлар тўсқинлик қилаяпсизлар», дея жиддий эътироз билдиришгани, – дейди капитан Нодир Ҳайдаров. – Шу тариқа аксарияти айбланувчиларни ёқлагани, кўрсатма беришдан бош тортгани кишини ажаблантиради. Уларни ишонтириш жуда қийин кечди. Бир неча бор суҳбатлашиб, фирманинг ҳужжатлари сохта эканлиги, бу фирма давлат томонидан рўйхатга олинмагани, фаолияти ноқонуний эканлигини қайта-қайта тушунтиришга тўғри келди. Фирибгарларга чув тушганлар республикамизнинг турли вилоятларидан бўлгани боис тергов гуруҳи мазкур вилоятларда тергов ҳаракатлари олиб боришди. Шу ўринда чет элда ишлашни орзу қилаётган фуқароларимизга «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу» деган нақлни эслатгимиз келади.

Қаҳрамонимиз жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ўқув юртлари, маҳаллаларда профилактик тадбирлар ўтказиш орқали ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шунингдек, у аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш орқали жамиятимиздаги салбий унсурларга чек қўйиш мумкин, деб ҳисоблайди.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**
*Тошкент шаҳри.*

**ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ**

**Устани уйига бошлаб келган Акром гаражнинг бўш турганини кўриб, дарров ичкарига югурди. Унинг нимадандир хавотир олаётганини сезиб турган хотини очиғини айтди:**

# ОМОНАТ ДУНЁДА ОМОН БЎЛАЙЛИК!

– Укангиз онамни олиб машинада шаҳарга кетди.

Акром телефонда онаси билан боғланди-да, дарҳол машинани тўхтатишни буюрди.

– Сен доим шу сабилни укангдан қизғанасан, бинойидек бошқараяпти, тинч қўй уни! – деди онаси.

– Тушунинг ахир, машина носоз, боз устига, укамнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ, – деди ўғил.

– Сен ҳайдасанг ҳамиша соз, машинага уканг ўтирса бир зумда носоз бўлиб қолади. Бундан бошқа баҳона тополмадингми?! – деди онаси ва телефонни ўчириб қўйди.

Онасининг ёнини олганидан руҳланган Баҳром машинани янада дадилроқ бошқара бошлади. «УАЗ – 469» русумли машина елдек учиб бораётиб, эгасининг тажрибасизлиги туфайли қарама-қарши йўналишга ўтиб кетди ва тормоз мутлақо ишламаслигини шундагина пайқади. Аммо бу пайт жуда кеч бўлганди, чунки қарши томондан келаётган «КамАЗ» билан тўқнашиб кетди. Шифокорлар онанинг оёқларини кесиш зарурлигини айтишганда фарзандлар оҳ уришди. Она эса жим ва маъюс эди...

Тўрткўл шаҳрининг А. Пирмонов кўчаси бўйлаб бораётган пиёда ҳам эрталаб уйидан чиқар экан, ўзига ва оиласига омонлик тилади. Аммо омонлик огоҳликда эканлигини бир пасда унутди. Акс ҳолда у пиёдалар йўлакчасидан ҳаракатланган бўларди. Отасига тегишли «Нексия»ни бошқариб кетаётган Шавкат тезликни ошириши натижасида катта йўл четидан бораётган пиёдани уриб юборди ва жабрланувчига ёрдам бериш ўрнига воқеа жойидан қочиб кетди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати туфайли Тўрткўл тумани А. Адаққаев номли деҳқон-фермерлар хўжалиги уюшмасида тракторчи бўлиб ишловчи Исабай Жумаевнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБ ва Тўрткўл тумани ИИБ ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида қочиб юрган номард ҳайдовчи қисқа вақтда қўлга олинди.

Республика ИИВ ЙҲХБ йўл-патруль хизмати ходимлари 3 та сафарбарлик отрядига бўлинган ҳолда «Нукус – Тахтакўпир», «Нукус – Тўрткўл» ва «Нукус – Мўйноқ» йўналишларида хизмат олиб боришяпти. "Мискин", "Бройлер", "Дауит – ата" ва "Чалиш" ЙПХ блокпостларида соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва террорчиликнинг олдини олишда мунтазам фаолият кўрсатишмоқда. "Диққат, болалар!" тадбирига пухта тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш натижасида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камайишига эришилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида соҳа ходимлари томонидан 129647та қоидабузарлик аниқланди. Шулардан 44752 таси қўпол тарзда, 2254таси транспортни маст ҳолда бошқариш натижасида бузилганлигини ҳисобга олсак, ўзимизга нисбатан янада масъулиятли бўлишимизни англаймиз. Йўл қоидаси – умр фойдаси эканлигини унутмайлик.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*



# ЁШЛАР – КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

***Шу йил ИИВ Академиясини битириб, хизматни бошлаган лейтенант Баҳром Боймуродов одоб-ахлоқи, муомаласи ва билими билан аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонмоқда. Зарафшон маҳалласида истиқомат қилаётган фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш учун бор маҳоратини ишга солаяпти. Бундан ташқари, ҳудудда жойлашган Навоий Давлат педагогика институти ва олийгоҳ қошидаги академик лицей ўқувчи-ёшлари ўртасида профилактик ишларни тўғри ташкил этаётгани сабабли вояга етмаганлар орасида жиноятлар тобора камайиб бормоқда.***

***Суратда:*** *Навоий шаҳридаги 7-милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Б. Боймуродов ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Эркин Достонов академик лицей ёшлари билан.*

***Абу КЕНЖАЕВ** олган сурат.*

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

**Жўрақул Актамов билан Барот Ўролов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Жиззах туманининг Равот қишлоғидан. Икки бекорчи улфат. Тоғни урса талқон қиладиган, билаги куч-қувватга тўла бу йигитлар тайинли бирор ишнинг бошини тутмайди, бели оғриб ишлашни хоҳламайди. Иттифоқо, Жўрақул маҳалласидаги фермер билан унинг қўйлари учун янтоқ чопиб, йиғиб беришга келишади. Фермер яхшигина ҳақ тўлайди. Барот дўстининг қўлига пул тушганидан севиниб, ялтоқланиб унинг олдига боради.**

# ТЕКИН ЕМА, ЕШАДИ!..

– Дўстим, пулдан қийналиб қолдим. Озгина қарз бериб тур. Хоҳласанг янтоқ чопишда ёрдамлашиб, қарзимни узаман, – дейди.

Кўп йиллик қадрдонининг илтимосини ерда қолдирмаган Жўрақул икки юз минг сўм санаб берди. Барот пулнинг бир қисмини рўзғорига ишлатиб, қолганини эса ичкиликка сарфлайди.

Кунда-кунора маст бўлиб юрганини кўрган Жўрақул ундан қарзини қистайди.

– Дўстим, тоғамдан ҳам анчагина қарзим бор. Олган пулингни қайтарсанг, шуни олиб бориб берардим, – дейди.

Барот эса бепарвогина:

– Озгина ишим бор, эртага кечки пайт келгин, қарзингни бераман, – дея жавоб қайтаради.

Баротнинг «иши» эртасига маълум бўлди. Кечки пайт иккови отамлашишди. Барот ширакайф бўлганда Жўрақул яна қарзини эсига солди. Барот ўрнидан туриб, қоронғилик сари юриб ғойиб бўлди ва бироз ўтиб бир тўда қўйни ҳайдаб келди.

– Мана, дўстим қарзингни ортиғи билан бердим, – дея Барот уйига кириб кетади.

Жўрақул кўзларига ишонмай дам қўйларга, дам Барот кириб кетган чорбоғ эшигига қараб туриб, қўйларни Зоминга қараб ҳайдади.

Ўн икки бош қўй ва учта эчкини олдига солиб кетаётган Жўрақулнинг хаёлидан нималар кечмади, дейсиз. «Қўчқорларнинг ҳар бирини камида 80 минг сўмдан сотса бўлади, эчкиларга ҳам харидор топилиб қолар». Жўрақул қўйларнинг пулини нимага ишлатишни режалаштириб, яна маишатга ҳам орттириб, кўпдан бери хабар олмай қўйган жазмани билан учрашишни хаёл қилди. Тонггача юриб, куёвининг уйига кириб борди.

– Бир дўстимники, ўзи бетоб ётибди, пул керак сотиб беринг, – дея тушунтирди куёвига ва харидор топса бозорга бориб ўтирмаслигини ҳам айтди.

Куёв югуриб-елиб харидор излаб, Музаффар исмли танишини бошлаб келди. Харидор қўй-эчкиларни чамалаб, ҳаммасига саккиз юз минг сўм беришини айтди. Миллионни чамалаган Жўрақул тезроқ нақд пулга эга бўлишни ўйлаб, рози бўлди. Музаффар пулнинг бир қисмини ташлаб, кечки пайт қолганини олиб келиши ва қўйларни ҳайдаб кетишини айтди.

Жўрақул иш осон кўчаётганидан хурсанд бўлиб, куёви учун ўз ҳисобидан зиёфат уюштирди. Қайноға-куёв роса мириқишди.

Кечки пайт кўчада машина тўхтаб дарвоза тақиллади. Юраги ҳапқириб кетган Жўрақул чопиб бориб эшикни очди. Дарвоза олдида Музаффар эмас, икки нафар ички ишлар ходими ва бошини эгганча Барот турарди. Маълум бўлишича, у қўшнисининг қўй, эчкиларини Жўрақулга тутқазиб, қарздан узилмоқчи бўлган экан.

Халқимизда «Текин ема, тешади, сим бўлсанг ҳам эшади» деган мақол бор. Ҳақиқатан ҳам ҳалол меҳнат қилиш ўрнига, текинхўрликни ўзларининг касбига айлантирган кимсаларнинг қилмиши куни келиб албатта, фош бўлади.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Жиззах вилояти.*

## ОДАМ САВДОСИ – ОҒИР ЖИНОЯТ




Чиноз туманида одам савдоси жиноятининг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўлида қилинаётган ишлар кўлами ортиб бормоқда. Барча ўқув юртлари, коллеж, лицей, мактаб ва жамоат жойларида «Одам савдоси: муаммо ва ечимлар» мавзуида суҳбатлар, учрашувлар уюштирилиб, бу борада тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бироқ текин даромад, мўмай пул дардидаги айрим «учарлар» ҳамон соддадил фуқаролар ишончига кириб, улардан фойдаланишаяпти.

Ички ишлар ходимларининг тезкор тадбирлари туфайли кейинги пайтда одам савдоси билан боғлиқ бир нечта жиноят фош этилди. Жумладан, Бухоро вилояти Пешку туманида яшовчи У. Иззат жиноий шериги Ф. Баҳодир билан тил бириктириб одамлар меҳнатидан ноқонуний фойдаланишни режалаштиради. Улар Чинозда яшовчи Ш. Ҳамидулла, Д. Бахтиёр, А. Акбар ва С. Бекпўлатнинг ишончига кириб, катта маош ваъда қилиб, Москва шаҳрига олиб боришади. Яхши ният билан ишга киришган бу йигитлар икки ой қурилишда меҳнат қилишади. Бироқ маошдан дарак бўлмайди. Қурилиш битгач, йигитларнинг паспортларини қайтариб бермай, нотаниш одамларга сотиб юборишади.

Кўзланган иш силлиқ кетаётганидан руҳланган фирибгарлар чинозлик яна икки йигитни ўз тўрларига илинтиришади. Б. Нурмуҳамед ва Х. Сотволди Москвага етиб боргач, қандай қилиб фуқаролик паспортини уларнинг қўлига тутқазишганини билмай қолишади. Бу йигитларнинг тақдири ҳам аввалгиларникидек кечади. Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан туман ИИБ томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Кўриниб турибдики, одам савдоси инсон ор-номуси, қадр-қиммати, осойишта ҳаёти ва келажагига таҳдид солувчи жиноятдир. У барча давлатлар ва халқаро ташкилотларни ташвишга солмоқда. Республикамизда одам савдосига қарши кураш борасида қилинаётган ишлар ўз самарасини бераяпти. Қўшни давлатларга чегарадош бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, фуқаролар ҳар доим ҳушёр бўлиши, юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатиши лозимлиги уқтирилмоқда.

**З. РАҲМОНҚУЛОВ.**
*Тошкент вилояти.*

## ҲУКМ ЎҚИЛДИ

# БАНГИХОНА «СОҲИБА»ЛАРИ ҲИБСДА

**Гиёҳвандлик инсон ҳаётига хавф солувчи иллат ҳисобланади. Бироқ айрим шахслар кўра-била туриб, оғуфурушликдан келадиган даромад учун минглаб кишиларнинг умрига зомин бўлаётганини ўйлаб ҳам кўришмайди.**

Гулнора Ҳамроева ва унинг шериги Мавжуда Ҳайдарова илгари ҳам оғу савдоси билан шуғулланиб, озодликдан маҳрум этилган бўлсалар-да, бундан ўзларига тегишли хулоса чиқармай яна жиноятга қўл уришди. Улар уйларида гиёҳвандлар героин истеъмол қилиши учун шароит яратиб, бангихона очишди.

Гулнора Ҳамроева Навоий вилоятидаги Мурод исмли шахсдан 16,42 грамм героинни 410 минг 500 сўмга сотиб олди ва Мавжуда Ҳайдарова билан текин бойлик орттириш мақсадида жиноий тил бириктирди. Улар вобкентлик Я. Акромга 2 грамм героинни 80 минг сўмга сотишди. Шундан сўнг Акром бангихона «соҳиба»ларини тез-тез йўқлаб турадиган бўлди. Бироқ бу узоққа чўзилмади. Ғиждувон тумани ИИБ ходимлари Г. Ҳамроеванинг уйига ташриф буюриб, қоғозга ўралган 0,91 грамм героинни ашёвий далил сифатида олишди. Шунингдек, унинг уйидан «Nokia» ва «Samsung» русумли уяли телефонлар, ов милтиғи, 15 дона жанговар ўқлар, 18 дона бўш патронлар ва 850 минг сўм пул ҳужжатлаштирилиб олинди. Бундан ташқари, қурилиши тугалланмаган уйнинг дераза токчасида қоғозга ўралган 0,10 грамм героин, пол тагидан тиббиёт шприци, куйган қошиқ чиқди. Г. Ҳамроеванинг ўзи томорқага яшириб қўйган 2 грамм героинни ихтиёрий равишда топиб бериб, енгиллик беришларини сўради.

Жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман судининг ҳукмига кўра Г. Ҳамроева 11 йил, М. Ҳайдарова эса 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

**Мирзо АҲАД.**
*Бухоро вилояти.*

## ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

**Изғиринли тун эди. Уйқуси келмаётган Луизанинг миясида битта фикр ғужғон ўйнарди: «Бугун ундан албатта қутуламан. Бу ишда менга ўғлим ва икки танишимнинг ёрдами асқотади...».**

# ҚОТИЛ ҚАЙНСИНГИЛ

Луизанинг турмуш ўртоғи оламдан ўтганига ўн йилдан ошди. Икки фарзанд тарбияси ва рўзғор ташвишлари ёш аёл зиммасига тушган эди. Унинг аҳволига ачинган поччаси тижорат билан шуғулланишни таклиф қилди.

– Ўзим ёрдам бераман, – деди Фарҳод. – Бирга ҳаракат қилсак уддалаймиз.

Аввалига иккиланиб турган Луиза рози бўлди. Вақт ўтиши билан ишлар юришиб кетди. Аёл ўзига астойдил кўмаклашаётган поччасидан мамнун эди. Шу тариқа орадан бир неча йил ўтди. Табиийки, Фарҳод билан Луиза доим бирга бўлишларига тўғри келарди. Бирга тушлик қилишар, баъзан эса Фарҳод аёлни кечки овқатга таклиф қиларди. Кунларнинг бирида қиттак-қиттак олингандан сўнг у қайнсинглиси ўзига ёқишини айтганди, Луиза ҳам хайрихоҳлик билдирди. Шундан сўнг икковлон туни бирга ўтказишди...

Аммо муносабатлар чуқурлашиб борган сари Луиза билан жазманининг ўртасида тез-тез низо чиқа бошлади. Ичкилик ичиб олган Фарҳод уни ҳақорат қилар, ҳатто баъзан қўл кўтаришгача борарди. Чунки у аёлни рашк қиларди. Тижорат ишлари юришиб кетиб, улар уй сотиб олишди. Луиза шу хонадонда яшай бошлади. Энди Фарҳод кўпинча уникида қолиб кетарди. Уйга келмай қолган пайтлари хотини Лола «синглим билан ораларида бирор гап борга ўхшайди», деган шубҳага борар, аммо бу фикрни тезда миясидан чиқариб ташлашга уринарди.

Ўша тунда ҳам у ҳадеганда келавермади. Лола бундай ҳолатга кўникиб қолган бўлсада, негадир юраги ғаш эди. Бу пайтда эса Луиза ўғли, илгари судланган қўшниси Эркин ва таниши Равшан билан Фарҳодни кутиб туришарди. Яна ичиб олган Фарҳод кўп куттирмай хонадонга кириб келди. Шунда эркаклар бирдан унга ташланишди. Фарҳод ҳушидан кетганда Луиза ўғлига арқон келтиришни буюрди...

Газандалар Фарҳоднинг жасадини аравага ортиб, Дарғом каналига олиб боришди. Бу ерда бўйнига тош боғлаб, сувга ташлаб юборишди. Тонг отди. Кеч тушиб, атрофни қоронғилик қоплади. Эридан ҳадеганда дарак бўлмагач Лола синглисиникига йўл олди.

– У бу ерда йўқ, – деди Луиза қатъий.

Орадан яна бир неча кун ўтди. Шунда эрига бир кор-ҳол бўлганига ишонч ҳосил қилган Лола ички ишлар идорасига мурожаат этди. Ички ишлар ходимлари бедарак йўқолган Фарҳодни излаб топиш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилишди. Ниҳоят Дарғом каналидан номаълум эркак кишининг жасади топилди. Унинг шахси аниқлангандa Ж. Фарҳод бўлиб чиқди.

Қилни қирқ ёрадиган ички ишлар ходимларининг кунни тунга улаб олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида қотиллик тезда фош этилди.

Тезкор-тергов суриштирувлар чоғида Луиза ва унинг шериклари ўз айбларига иқрор бўлишди. Уларнинг барчаси қилмишига яраша жазо олди. Орадан йиллар ўтиб Луиза яна озодликка чиқади. Лекин ўз поччасининг жонига қасд қилган аёл опасининг кўзига қандай қаралкин?

**Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.**
*Самарқанд вилояти.*

# НОҚОНУНИЙ МАҲСУЛОТЛАР УШЛАБ ҚОЛИНДИ

**«Тошсоқа» блок-постида вилоят ИИБ ва божхона хизмати ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир давомида Бухоро вилояти Ғиждувон туманида яшовчи И. Тўлқин бошқарувидаги «КамАЗ» русумли автомашинага тўхташ ишораси берилди. Аммо ҳайдовчи ходимларнинг қонуний талабига бўйсунмай, тезликни оширди. Изидан ички ишлар ходимлари кузатиб келаётганини сезган Тўлқин Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги кўчалардан бирида автомашинани ташлаб, ўзи қочиб қолди.**

Автомашина юкхонаси холислар иштирокида кўздан кечирилганда, Қирғизистон Республикасида ишлаб чиқарилган жами 11 тоннаю 149 килограмм бўлган, нархи 192 миллион сўмлик «Трения» ёзувли пиротехника воситалари борлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Мирза АБДУЛЛАЕВ.**
*Хоразм вилояти.*

ФУТБОЛ

**Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси ўйинлари 20-турининг қолдирилган учрашуви бўлиб ўтди. Унда чемпионатнинг энг пешқадам жамоалари «Бунёдкор» ва «Пахтакор» ўзаро куч синашишди. Мухлислар бу икки кучли жамоанинг ўйинини қизиқиш билан кутишган эди.**

# ГОЛСИЗ ДУРАНГ

Биринчи бўлимдаёқ жамоалар анча эҳтиёткор тарзда ўйнашди. Шу сабабли стадионга ташриф буюрган футбол ишқибозлари дастлабки ўн беш дақиқада дарвозалар олдида ҳеч қандай хавфли вазиятларга гувоҳ бўлишмади. 17-дақиқада Ривалдонинг ажойиб тарзда узатилган тўпини Вильянуэва қабул қилиб олди. Ҳимоячиларни ортда қолдириб жарима майдонига кириб борди. У пахтакорчилар посбони билан бирга-бир вазиятда чиқиб зарба берди. Бироқ тўп дарвоза юқорисидан ўтиб кетди. Орадан ўн дақиқа ўтиб, «қалдирғочлар»ларнинг яна бир ҳужуми муваффақиятсиз якунланди. Бурчакдан узатиб берилган тўп Ривалдонинг бошидан тўғри дарвозабоннинг қўлига келиб тушди.

Бироздан сўнг «Пахтакор» жамоаси аъзолари худди шундай имкониятдан фойдалана олишмади. Бу вазиятда Илҳом Суюнов ҳимоячиларни бирин-кетин чиройли тарзда алдаб ўтиб, рақиб дарвозаси томон кучли зарба берди. Аммо тўп ноаниқ тепилган эди. Биринчи бўлим охирида меҳмонлар иккита қулай имкониятни бой беришди. Викторнинг узоқ масофадан берган зарбаси кучсиз чиқди. Кейинги дақиқада ўнг қанотдан узатиб берган тўпини Хосе Вильянуэва боши билан Темур Жўраев қўриқлаётган дарвоза томон йўналтиришга муваффақ бўлди. Бироқ бу уриниш ҳам зое кетди. Танаффусга жамоалар голсиз чиқиб кетишди.

Иккинчи бўлимни томонлар ҳужумкорлик билан бошлашди. Гоҳ меҳмонлар, гоҳ мезбонлар тўп билан муомала қилишда ташаббусни ўз қўлларига олишди. Ҳар иккала жамоа ўйинчилари ҳарчанд ҳаракат қилишса-да, гол киритиш ҳеч кимга насиб этмади. 62-дақиқада Жасур Ҳасанов Ривалдони тўп билан таъминлади. Бироқ миллий чемпионатимиз тўпурари бундай имкониятдан унумли фойдалана олмади. Вильянуэва ҳам учрашувдаги энг яхши имкониятни бой берди. У жарима майдонига ёриб кирди. Мухлислар энди гол бўлади деб кутишган эди, бироқ Вильянуэва зарба беришда шошиб қолди ва тўп дарвоза устидан ўтиб кетди. 70-дақиқада захирадан майдонга тушган Александр Гейнрих жаримадан Игнатий Нестеровни доғда қолдиришга уриниб кўрди. Лекин унинг зарбасида аниқлик етишмади. Охирги дақиқаларда Ривалдо яна боши билан зарба бериб, рақиб дарвозасини нишонга олди. Темур Жўраевнинг ишончли ҳаракати пахтакорчилар жонига оро кирди. Асосий вақт ҳамда ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда ҳам дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолинди ва жамоалар голсиз дурангга имзо чекишди.

**Ф. АЗИЗОВ.**

ЭЪТИРОФ

# ВАТАНДОШИМИЗ МУСОБАҚАНИ БОШҚАРАДИ

Ўтган йилги натижаларга кўра ҳамюртимиз Равшан Эрматов Осиё қитъасининг «Энг яхши ҳаками» дея эътироф этилиб, ФИФА ҳакамлари қаторидан ўрин олган эди. Маълумки, шу йилнинг 24 октябридан 15 ноябригача Африканинг Нигерия давлатида ўсмирлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Ана шу нуфузли мусобақа баҳсларини бошқариш учун Равшан Эрматов ҳам таклиф этилди.

2010 йилда Жанубий Африка Республикасида катталар ўртасида футбол бўйича бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати ўйинларини бошқарадиган ҳакамларнинг тахминий рўйхатида ҳам Равшан Эрматовнинг номзоди борлигини эслатиб ўтамиз.

## *Табриклаймиз!*

***Ички ишлар идоралари фахрийси, ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги генерал-майор Тилла ота АБДУЛЛАЕВни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Кўплаб шогирдларнинг азиз устози, бу табаррук отахонимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, яна кўп йиллар бардам бўлиб, фарзандлари, набира-чевaралари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.***

**ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.**

УСТОЗ ШОГИРД ҲАҚИДА

**Халқимизда от изини той босар деган нақл бор. Мен билган спортчиларнинг кўплари дастлабки машгулотларни оиласида отаси, акасидан ўрганган. Хоразмлик қўл жанги устаси Баҳромбек Рўзметов ҳам спортчилар оиласида туғилиб ўсди. Отаси Йўлдош Рўзметовни республикамизда кўзга кўринган боксчилардан бири сифатида танишади. Ёш Баҳромбек уйда отасининг машқ қилаётганини зўр қизиқиш билан томоша қиларди. Акаси Озодбек ҳам спорт билан шугулланарди. Баҳромбек 5-6 ёшидаёқ ўзича машқ қилиб, отаси, акасига эргашади. Маҳалладош тенгдошлари билан кураш тушиб, уларни ҳам спортга қизиқтира бошлайди.**

# ҲАМ ПОСБОН, ҲАМ СПОРТЧИ



– Биринчи синфга борган кунимнинг эртасига акам мени ўзи билан спорт тўгарагига олиб борган, – дейди Баҳромбек. – Ўшанда эркин кураш бўйича шуғуллана бошлаганман. Гоҳида машқ қилавериб, дарс тайёрлаш эсдан чиқиб кетарди. Отам: «агар яхши ўқимасанг спортчи бўлолмайсан», деб дарс тайёрлашга мажбур қиларди.

Болаликдан спортга қизиқиб, астойдил киришгани боис у тезда вилоятда танилиб, ўн икки ёшидаёқ ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида ғолибликни қўлга киритади. Кейинчалик каратэ билан ҳам шуғулланади. Устози Мансур Авезов ундаги иқтидорни кўриб, алоҳида эътибор беради. Каратэ сирларини пухта ўрганган Баҳромбек устозининг ишончини оқлаб, уч йил кетма-кет республика чемпиони бўлди.

Спортнинг ҳамма тури қизиқарли. Ёш Баҳромбек энди армреслинг бўйича ҳам кучини синаб кўра бошлайди. Спортнинг бу тури айримлар ўйлагандек осон эмас, мунтазам шуғулланиш, маҳоратни ошириб боришни талаб этади. Баҳромбек бунинг ҳам уддасидан чиқиб, 17 ёшида армреслинг бўйича республика чемпиони унвонини қўлга киритди.

Қўл жангги Баҳромбекнинг севимли спорт турларидан бири. У дастлаб республика мусобақаларидан, кейин халқаро турнирларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллай бошлади.

2001 йилда Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳрида ўтказилган халқаро турнир Баҳромбек учун катта синов бўлди. Ўндан ортиқ давлатлардан келган спортчилар иштирок этган мусобақада Баҳромбек Рўзметов бироз ҳаяжонланди. Чунки бундай нуфузли мусобақада иштирок этишнинг ўзи кишини хаяжонга солади, албатта. У устозларининг ишончини оқлаб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Баҳромбек 2002 йил ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўқишга кирди. Бу олий таълим муассасасида спорт билан шуғулланувчилар учун кенг имкониятлар, шароитлар яратилган. Мен ўзим қўл жангги сирларини шу даргоҳда ўрганганман. Кейинчалик мени ҳам устозлар қаторига қўшишди.

Қўл жангги билан шуғулланадиганлар кўп, аммо Баҳромбек улардан кўп жиҳатдан ажралиб туради. Спортда ғолиб ва мағлуб бўлади. Киши ғолиб бўлса қувонади, албатта. Мағлуб бўлганда, қўл силтаб спортни ташлаб кетадиганлар ҳам бор. Баҳромбек баъзи машғулотларда мағлуб бўлса-да, ҳеч кўнглини чўктирмайди. Чунки, мусобақа сабоқ бўлади, деб ҳисоблайди.

Баҳромбек мени устоз сифатида ҳурмат қилгани учун жуда хурсанд бўламан. Кўнглимда ана шундай алпқомат, спортни жони дилидан севадиган йигитнинг устози эканимдан фахр ҳиссини туяман. Республика Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳар йили қўл жангги бўйича мусобақалар ўтказилади. Шогирдимни ҳар гал шоҳсупада кўрганимда ундан ҳам кўпроқ қувонаман.

Баҳромбек айни кунларда Транспорт ИИБ Жиззах темир йўл бекати тармоқ ИИБ вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори лавозимида хизмат қиляпти.

Халқаро спорт устаси, катта лейтенант Баҳромбек Рўзметов қўл жангги бўйича республика терма жамоаси аъзоси сифатида декабрь ойида бир қатор давлатлар ички ишлар идоралари спортчилари ўртасида ўтказиладиган халқаро турнирга тайёргарлик кўрмоқда. Унинг келажаги порлоқ, албатта. Келгусида жаҳон миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига умид қиламиз.

**Сайдулло АКБАРОВ,**
**халқаро тоифадаги спорт устаси.**

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

# МИНГ ДАРДГА ДАВО – АНОР



**Ҳозирги кунда республикамиз ҳудудларида шифобахш ўсимликлар кенг миқёсда етиштирилмоқда. Хусусан, минг дардга шифо бўлган анор ўсимлигини етиштирувчи махсус боғлар ҳам яратилган.**

Анор – анордошлар оиласига (лотинча punicaceae) мансуб ўсимлик бўлиб, бўйи 1,5-5 метрга етадиган бута. Гуллари қизил, яккаякка, баъзан 2-5 тадан бўлиб жойлашади. Меваси шарсимон, йирик, серсув, кўп уруғли. Уруғлари тўқ қизил, оч қизил ёки оқ рангли. Ёз ойларида гуллайди, меваси эса кузда пишиб етилади.

Бу хуштаъм мева табиий ҳолда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида, Кавказ тоғи қияликларида, Жанубий ва Ғарбий Ҳисорда ўсади. Марказий Осиё, Кавказ ва Қримда уни сунъий ўстириш йўлга қўйилган.

Унинг таркибидан инсон учун фойдали, иштаҳа очувчи, овқат ҳазм қилишни яхшиловчи органик кислоталар, шу жумладан, лимон ва олма кислоталари, қанд моддаси, хусусан, фруктоза, сахароза, глюкоза ва С витамини мавжуд. Поясининг пўстида эса ошловчи моддалар, смола, бўёқ, бетулин кислотаси ва бошқалар учрайди. Мевасининг пўстида С витамини, кальций, макро ва микроэлементлар, лимон ва урсол кислоталари бор. Уруғи таркибида эса кўп миқдорда ёғ моддаси учрайди.

Қадимдан табиблар анорнинг шифобахш хусусиятларидан кенг кўламда фойдаланиб келишади. Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино ҳам анор бутасининг минг дардга даво эканини ўз асарларида ёзиб қолдирган. Масалан, анор пўчоғини қон қусишда, милк ва ичакдан қон кетганда, сийдик ҳайдовчи ҳамда яра ва жароҳатларга малҳам сифатида тавсия этган. Шунингдек, машҳур олим анорнинг илдиз ва пояси пўстлоғидан тайёрланган қайнатмани ичбуруғга даво ва тасмасимон гижжаларни ҳайдашдаги фойдаси ҳақида маълумот бериб ўтган.

Бунинг учун қуйидагича доривор қайнатма тайёрланади: 40-45 грамм анорнинг илдизи ёки пояси пўстлоғи устига 400 мл қайноқ сув қуйилади ва 6 соат давомида тиндириб қўйилади. Олинган дамлама ярми қолгунича қайнатилади ва сузилади. Бир соат мобайнида ҳамма дамлама ичилади. Сўнгра сурги дори истеъмол қилинади. Ушбу қайнатмани ичишда шифокор назорати остида бўлиш тавсия этилади. Дамлама тайёрлаш учун анорнинг баҳорги сув югурган пояси кўпроқ шифобахш ҳисобланади.

Меваси, унинг пўчоғи ва гули ичбуруғ касаллиги, яллиғланишга қарши, бактерияларни нобуд қилувчи хусусиятга эга доривор восита сифатида тавсия этилади. Уруғи эса сийдик ва ўт ҳайдовчи ҳамда тинчлантирувчи таъсирга эга.

Анор пўчоғининг кулини сариёғ билан яхшилаб аралаштириб, теридаги йирингли яраларга суртилса, яхши фойда беради. Ундан тайёрланган қайнатма ич кетиш (дизентерия), оғиз бўшлиғи яллиғланишида, ошқозон – ичак касалликлари ва қабзият (колит)да ёрдам беради.

Дамлама қуйидаги тартибда тайёрланади: 1 ош қошиқ майдаланган анор пўчоғини 500 мл қайноқ сувда 10 дақиқа қайнатилади, 2 соат тиндирилиб, сузилади. Уни 100 мл. дан ҳар куни 3-4 марта овқатдан олдин ичиш яхши натижа беради. Қайнатма ичилаётган вақтда шифокор назорати остида бўлиш лозим, чунки у ошқозон – ичак тизимига салбий таъсир этиши мумкин.

Анор шарбати витаминларга бой бўлиб, ҳар куни 4 маротаба 50 мл дан ичиб турилса, ошқозон ва ичак фаолиятини яхшиловчи, сийдик ва ўт ҳайдовчи, шунингдек, милк касалликларига шифодир. Яна у иштаҳа очувчи неъмат ҳамдир. Гуллари тишни мустаҳкамлаб, ичак ярасини бартараф этади. Анор гулидан тайёрланган дамлама эса, ични қотирувчи ва буриштирувчи восита ҳисобланади. Оғиз бўшлиғи яллиғланганда анордан тайёрланган дамлама билан чайиш мумкин. Бунинг учун 1 чой қошиқ анор гулини 200 мл қайноқ сувда 1 соат дамланади, совутилади ва сузилади. 1 ош қошиқдан кунига 4-5 маҳал ичиш тавсия этилади.

Ўзбекистон ҳудудида анорнинг бир неча навлари етиштирилади. Шу жумладан, «Қизил», «Қозоқи», «Оқдона» («Туятиш»), «Аччиқдона» ва шу кабилар. «Аччиқдона» анор навининг шарбати нордон бўлиб, ошқозонда ҳазм шираси кам ажраладиган беморларга жуда фойдалидир. Анорнинг нордон ва жайдари турларидан лимон кислотаси ва пўчоғидан танин моддаси олинади.

Олтин кузнинг турфа нозу неъматлари қатори юртимиз бозорларини безатиб турган анордан тўйиб истеъмол қилган кишилар организмидаги дармондорилар захирасини тўлдириб, ўз иммунитетларини ҳам мустаҳкамлаб олишларига ишончимиз комил. Зеро, она табиатнинг бу каби неъматлари турли хасталикларга даводир.


E-mail: urmvd@inbox.uz

Нормамат ТОҒА

# ҲУКМСИЗ ЖАЗО

## Детектив қисса



*(Бошланиши ўтган сонларда).*

### АЖАЛ ЧАНГАЛИДА

Облоберди Ургутдан сотиб олиб, қайтишда ўзи ҳайдаб келган «ВАЗ-2106» русумли машинани шаҳарга киришда тўхтатиб, давлат рақам белгисини ечиб олиб, юкхонага солиб қўйди. Сўнг темир йўл шоҳбекати ёнидаги бозорча ёнида у-бу харид қилди. Бу пайтга келиб вақт ҳам пешиндан оққан эди. У бозордан чиққандан кейин машинани чекка, хилват йўллар билан ҳайдаб бориб, ҳунар-техника билим юрти дарвозасидан сал нарироқда тўхтатди. Қоровулнинг кўзини шамғалат қилиб, ичкарига кирди. Ҳалимахон хонасида ёлғиз, каравотда шифтга тикилганча хаёл суриб ётарди. У кутилмаганда эшикдан кириб келган Облобердини кўргач, ирғиб ўрнидан турмоқчи эди йигит чаққон юриб борди ва Ҳалимахонни эркалата бошлади.

Облоберди барча ҳаракатларни шунчаки, йўлига, авраш учун қиларди. Юраги муз, кўнгли ғаш, нияти қора эди. Фақат юзи куларди, холос. Ҳалимахонни эса унинг келиши севинтириб, чигал ўйларини тарқатиб юборганди.

– Машина сотиб олдим, – деди Облоберди Ҳалимахонни тезроқ кийинишга қистаркан. – Сизни туғруқхонадан ана шу машинада олиб чиқаман. Атайин сиз билан ўғилчамизга атаб олдим.

– Машина! – кўзлари чақнаб кетди Ҳалимахоннинг. – Ундай бўлса ҳозир тўғри Фарғонага ҳайдаймиз. Бир кўз-кўз қилиб келайлик. Негадир кўнглим безовта. Кеча бувим тушимга кирибди. Баҳонада уйдагилардан хабар олиб қайтардик.

«Яна Фарғона! – ўзича тўнғиллади Облоберди. – Фарғонангга энди руҳинг боради!

– Кетдикми! – уёқ-буёғига боқиб деди Ҳалимахон.

– Кетдик!

– Фарғонагами?

– Фарғона ҳозир узоқлик қилади. Юклисиз, узоқ йўлга машинада бориш сизга мумкин эмас, чарчатади. Энди кўпроқ очиқ ҳавода бўлиб, ўзингизни асрашингиз керак. Сизни ажойиб хушманзара жойга олиб борайки, бир умр у ерда қолиб кетишни орзу қилиб қоласиз.

– Қандай жой экан у, бунчалик жаннатмакон, – сўради Ҳалимахон ҳаваси келиб.

– Борса келмас, деган жой.

– Вой, ҳазилингиз қурсин-ей, Облоберди ака.

– Ҳа-да, жаннатга тушган киши у ердан чиқишни орзу қиладими? Жаннатмакон жой ҳам борса келмас бўлади-да.

– Бўпти, шу жойниям бир кўрайлик-чи. Бошланг, ўша борса келмасингизга!

Улар манзилга кечки пайт етиб боришди. Облоберди машинани икки жийда орасидаги «эшик»дан ҳайдаб кириб, ичкаридаги бир-бирини «опичлаб» ўсган икки жийданинг тагида тўхтатди.

– Қалай? – деди Облоберди ўзини ўриндиқнинг орқасига ташлаб ястанганча. – Борса келмас маъқулми?

Ҳалимахон жавоб ўрнига машина эшигини эпчил очиб, пастга сакраб тушди-да, қўлларини баланд кўтарганча ҳайқирди:

– Ҳе-ҳе-ҳе-ей! Тоғлар ассалом, боғлар ассалом!

– Ҳой, секинроқ! – кўзлари олакула бўлиб кетди Облобердининг. – Овозингиздан тоғларнинг тоши кўчиб кетмасин тағин!

Ҳалимахон Облобердининг танбеҳига эътибор қилмасдан «тоғлар ассаломи»ни давом эттирганча сойлик томон югуриб кетди.

«Одам ўлими олдидан ҳар куйга тушади, дегани шу бўлса керак-да», – Облоберди Ҳалимахоннинг орқасидан ўзича гапириб, юкхонадаги одеял билан сумкани кўтариб олди. – Буям ажали олдидан бир йўла ҳам бола, ҳам артист бўлиб кетди. Лекин қўшиқни зўр айтаркан. Эсиз, шундай сулув қиз ўлади энди. Шўрлик боласи ўғилмикин, қизмикин?».

Облоберди одеял билан сумкани бир қўлида ушлаб, иккинчи қўлига юкхонадаги машинанинг олди ва орқа давлат рақам белгиларини олди. Наридаги қатор жийдалар тагига бориб, одеял билан сумкани ўтлар устига қўйди-да, сойга тушди. Тоғдан тушаётган сув бўйига бориб, қўлидаги икки темир белгини қулочкашлаб сувга улоқтирди. Қайтиб келиб, одеялни тўшади-да, чалқанча тушиб устига чўзилди. Бироздан сўнг қўшиқ тўхтаб, сой тарафдан Ҳалимахон чиқиб келди. У энди паст овозда» «Тоғларга боқ» қўшиғини куйлаб келарди.

– Тоғлар ҳақидагидан бошқа қўшиқни ҳам биласизми? – деди устма-уст бурқситиб сигарет чекаётган Облоберди кесатиқ билан. – Нуқул, тоғлар ассалом, тоғларга боқ, деб жаврайсиз.

– Жони-дилим тоғлар, – Ҳалимахон хуш кайфият билан шундай деб, икки қўлини икки томонга ёйди – оҳ, Фарғона тоғлари!

Ҳалимахон югуриб келиб Облобердининг бўйнидан қучоқлади. Облоберди ижирғанди, аммо бу ҳолатини сездирмасликка уриниб деди:

– Дастурхон ёзинг, қўшиқларингизни эшитиб, иштаҳам очилиб кетди. Ҳалимахон ирғиб туриб сумканинг оғзини очди. Сўнг Облобердига қаради:

– Дастурхон ўрнига нимани ёзамиз?

– Елим халтачанинг ичидагиларни сумкага тўкиб, ўшани йиртиб ёзаверинг.

Ҳалимахон у айтгандек қилди. Елим халтачани йиртиб, одеял устига дастурхон қилиб ёзди. Сўнг сумкадан нон, колбаса, бодринг чиқариб қўйди. Пиширилган бутун товуқни қўлига олди-ю, яна жойига қайтариб солди.

– Товуқни нега олмадингиз? – сўради унинг ҳаракатларини зимдан кузатаётган Облоберди.

– Ҳозирча шуларни еб бўлайликчи, – жавоб берди Ҳалимахон. – Айтмоқчи, колбаса кесишга пичоғингиз борми?

– Сумканинг ичини қаранг.

Ҳалимахон сумканинг ичини титкилаб, пичоқ ахтарар экан, бошини кўтармасдан гапирди:

– Облоберди ака, ароқни нега олиб юрибсиз. Мен ичмасам, сиз рулда бўлсангиз.

– Бундай жойга келиб ичмасдан бўларканми?! Мен хурсандлигимдан озроқ ичаман. Рулда бўлсам ҳам қўрқмайман, олдимга кўндаланг бўладиган одамни ҳали бу атрофда онаси туғмаган. Ароқ билан пиёланиям олинг.

– Хўш, нимадан хурсандсиз бугун?

– Сиз билан машинани юваётганимдан.

Ҳалимахон индамай ароқ билан пиёлани Облобердининг олдига чиқариб қўйди-да, қўлини яна сумка ичига тиқди. Майда-чуйдалар тагида қолган ярим газли ошпичоқни олиб, бир нафас унга ҳайратомуз тикилиб тургач, Облобердига деди:

– Ошпазларнинг пичоғини нега олиб юрибсиз, кичикроқ, чиройлироғидан йўқмиди? Кўриниши одамни ваҳимага солади-я.

– Пичоқ тутадиган одатим йўқ. Колбаса кесиб, бодринг арчишга керак бўлиб қолар деб, дўконникини олиб келавергандим.

Облоберди гапиратуриб тиши билан шишанинг қопқоғини очдида, пиёлани тўлдириб ароқ қуйгач, гап-сўзсиз симириб юборди. Бу ҳаракатидан ўзига хафақон ҳолда маъюсланиб боқиб турган Ҳалимахонга эътибор ҳам қилмасдан, битта бодрингни олиб, ғарч-ғурч чайнай бошлади. Ҳалимахон дастурхондаги нарсаларга қўл ҳам уролмади. Чунки, Облоберди уни буткул лолу ҳайрон қолдириб, иккинчи пиёлани ҳам симириб, яна битта бодрингни чайнаб ютгач, билагидан тутиб ёнига тортиб олди ва оғушига босиб эркалай бошлади. Облобердининг бу ҳаракатларидан эриб кетган Ҳалимахон эркалик қилиб, унинг бармоғидаги узукни суғириб олди.

– Ўҳ-ў, ҳозиргача эътибор қилмабман-а, зўр узук экан-ку. Кўзида сув париси тасвирими? Буни қаердан олгансиз, Облоберди ака?

Облоберди ичида қайнотам совға қилган, деди-ю бу гапни ташқарига чиқармади. Ҳалимахон саволига жавоб кутмасдан, деди:

– Облоберди ака, менгаям никоҳ узугини худди шундайидан оласиз хўпми? Шунда икковимизники бир хил бўлади.

Облоберди яна гапирмади. Лекин Ҳалимахон эркалигини ошираверди:

– Облоберди ака, нега уйланмасдан туриб узук тақиб олдингиз ёки қизларга тақлид қилаяпсизми? Келинг, ҳозир сизни чиройли қилиб қўяман.

Ҳалимахон шу гапни айтатуриб, ерда ётган сумкачасидан ёғупани олди-да, эркаланиб Облобердининг пастки лабига текизди. Облоберди Ҳалимахоннинг қўлини уриб юбориб, сапчиб ўрнидан турди-ю чап қўли билан елкасидан юзтубан ерга босди ва ўнг қўлига дастурхон устида турган пичоқни олиб, зарб билан аёлнинг чап курагини мўлжаллаб санчди. Шўрлик жувон «воҳ!» деб инградй-ю, бўғизланган қўйдек типирчилаб, хириллаб қолди. Қилган ишидан даҳшатга тушган Облоберди бир зум ҳайкалдай қотиб турди. Сўнг пичоқни суғуриб олди-ю, сойлик томонга югурди. Пичоқни сувга улоқтириб, ҳаллослаб ортга чопди. Оёқлари чалишиб, бир-икки бор мункиб ҳам кетди. Бирпасда жони ҳалқумига тиқилиб қолди. Ҳовлиқиб кела солиб Ҳалимахоннинг сочидан тортиб, машина томон судрай бошлади. Машинага тўрт-беш қадам қолганда жасадни ташлаб, яна ортига чопди. Шоша-пиша одеялни устидаги нарсалари билан қўшиб ўради-да, машина томонга югурди ва уни юкхонага тиқди. Облоберди қўрқув ва даҳшатдан гарангсиб, буёғига нима қилишини билмай қолди. Қош қорайиб борарди. Облоберди телбаларча у ёқдан, бу ёққа юра бошлади. Сўнг беихтиёр рулга ўтириб, машинага калит солди. Дағ-дағ титраётган қўли билан қаттиқ бураб юборди шекилли, калит букланиб қолди. Машина ўт олмаганди, қанча уринмасин, калитни суғуриб ололмади. Ирғиб тушиб юкхонадаги елим челакчани олди. Сўнг яна юкхона ичини титкилаб, машина эгасидан сўраб олган резина ичакни топди. Бак ичидан бензин олиб челакчани тўлдирди ва уни жасад устига сепди. Сўнг узоқроқ тисарилиб бориб, гугурт чақиб отди. «Пов» этган овоз чиқди-ю, зум ўтмай жасад қип-қизил аланга ичида қолди. Облоберди қолган бензинни машинанинг орқа ғилдираклари орасидаги қовжираб, қуриб қолган хас-хашаклар устига тўкди-да, унга ҳам гугурт чақиб ташлади. Хас-хашаклар алангаланиб ёна бошлагач, бу ердан узоқлашди. Облоберди Олмазор чеккасига бориб бироз пойлаб турди, қаттиқ портлашдан кейингина асфальт йўлдан югуриб кетди.

*(Давоми бор).*

## ҚИДИРИЛМОҚДА

**Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.**



Санжар Халилович Шамиров. 1983 йилда туғилган. Сирдарё тумани «Янги ҳаёт» фермер хўжаликлари уюшмасида яшаган.

* * *



Алишер Юлдашбаевич Зоиржонов. 1975 йилда туғилган. Бахт шаҳри Ойбек кўчаси, 9-уйда яшаган.

* * *



Тоҳир Эсанович Беков. 1972 йилда туғилган. Сирдарё тумани «Ўзбекистон» фермер хўжаликлари уюшмасида яшаган.

* * *



Тахир Камалович Аляров. 1977 йилда туғилган. Сирдарё шаҳри Ҳамза кўчаси, 9-уйда яшаган.

* * *



Омон Маҳкамович Маматмуродов. 1957 йилда туғилган. Сирдарё тумани «Ҳақиқат» фермер хўжаликлари уюшмаси, Маърифат кўчаси, 46-уйда яшаган.

* * *



Сайдулло Каразович Кушбоқов. 1981 йилда туғилган. Сирдарё тумани Охунбобоев номли фермер хўжаликлари уюшмасида яшаган.

* * *

Ҳалима Фахратовна Бочатова. 1963 йилда туғилган. Бахт шаҳри С. Айний кўчаси, 5/1-уйда яшаган.

* * *



Кайрат Насарбаевич Байбаруев. 1973 йилда туғилган. Қозоғистон Республикаси Махтарал тумани Енгбекши қишлоғида яшаган.

* * *



Алиев Тимур Жасим ўғли. 1989 йилда туғилган. Сирдарё шаҳри Ойбек кўчаси, 12-уйда яшаган.

**Юқорида қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлган фуқаролардан Сирдарё тумани ИИБга ёки яқин ўртадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

---

Республика ИИВ ЙҲХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби «Автоҳамроҳ» журнали бош муҳаррири Қумрихон Каримовага падари бузруквори

**ОЛИМ отанинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Республика ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғи, подполковник Д. Йўлчиевга онаси

**НУРИ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Транспортдаги ИИБ раҳбарияти шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши, истеъфодаги подполковник Тоҳир Шоҳидаевга турмуш ўртоғи

**Озода ШОҲИДАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ алоҳида махсус отряди ЙПХ инспектори, сержант

**Дилмурод БУВАНОВнинг**

бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ангрен шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник Ў. Бекжоновга падари бузруквори

**ЯНГИБОЙ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## 18 ОКТЯБРЬ – ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ОЧИЛГАН КУН

**Пойтахтимиз марказидаги Амир Темур хиёбони қаршисида 1996 йилда Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Темурийлар тарихи давлат музейи қад ростлади. Музей биноси ўзида Амир Темур даври ва замонавий меъморчилик санъати услубларини мужассамлаштирган. Бино буюк соҳибқирон давридаги саройлар, XIV-XV аср меъморчилиги кўринишида қурилганлигининг ўзиёқ унинг тарихий аҳамияти нақадар юқорилигини англатади. Доира шаклида, катта қубба гумбазли, кўп устунли, очиқ айвонли бу бинонинг сирти турли услубдаги нақшлар билан безатилган. Музейга жимжимадор фавворалар бўйлаб мармар зиналар орқали ҳашамдор эшиклардан кирилади. Ёғоч ўймакорлиги асосида ишланган ушбу эшиклар, бино деворларидаги бетакрор қубба, нақшлар «Усто» бирлашмаси усталари томонидан яратилган. Ташқи деворларга араб ёзувидаги «Сулс» услубида инсонни яхшиликка ундовчи ИТОАТ, АДОЛАТ, ЗАРОФАТ, МАЪРИФАТ, ДИЁНАТ, ОҚИБАТ, МАРҲАМАТ, САДОҚАТ, МУРУВВАТ каби сўзлар ёзилган.**





# ТАРИХ СИЛСИЛАСИДАГИ ЎЧМАС ИЗЛАР

Ичкарига кирар экансиз, бинога ўзгача шукуҳ бағишлаётган, катта зални чароғон қилиб турган қандил остида Темурийлар авлоди вакилларининг суратлари эътиборингизни тортади. Бири жиддий, бири ниманидир ўйлаб турган хаёлчан нигоҳ билан, бошқасини мардонавор боқиб турганини кўрасиз.

– Музей ташкил топган йилларда экспонатлар сони 600га яқин эди дейди, – музей директори, тарих фанлари номзоди Нозим Ҳабибуллаев. – Йиллар давомида уларнинг сони ортиб бориб, ҳозирги кунда уч мингдан ошиб кетди. Ушбу экспонатлар ичида Темурийлар тарихига оид ноёб қўлёзмалар, ёзишмалар, мис, кумуш тангалар ва идишлар, меъморий қопламалар, ўша даврларда ишлатилган қурол-аслаҳалар, совутлар, мис баркаш, човгумлар бор. Ушбу ашёларга чекилган нақшлар, уларнинг ясалиш услуби Темурийлар даврида нафақат фан, балки санъат, ҳунармандчилик ҳам гуллаб-яшнаганидан далолат беради. VII асрда халифа Усмон томонидан кўчиртирилган, XX аср бошларида Петербургда қайта кўчириб, нашр қилдирилган Қуръони Карим, Аҳмад ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихи» китобининг XVII асрда Голландияда чоп этилган нусхаси, XVIII асрга оид настаълиқ ёзувидаги «Темур тузуклари», Темур даврида қурилган биноларнинг турли ёзувли ва нақшли қопламалари бунга мисол бўла олади. Музей ўз экспонатлари билан дунёнинг кўплаб давлатларида, жумладан, Франция, АҚШ, Германия, Австралия каби мамлакатларда кўргазмалар уюштирди. Ўз ноёб экспонатлари билан ўзбек халқининг бой тарихини хорижда тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшаяпти.

Музей ходимлари нафақат экспонатлар йиғиш билан, балки Темурийлар тарихини янада чуқурроқ ўрганиш, музейни ўша даврга оид маълумотлар билан бойитиш мақсадида бир қанча илмий-амалий ишларни бошлаб юборишган. «Темурийлар даври маданий ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши», «Ўрта Осиёда китобат санъати тарихидан (Темурийлар даврида яратилган асарларнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари)» каби мавзулар бўйича олиб борилаётган ишлар айниқса, ўз самарасини бермоқда.

Музейда ўтказилаётган давра суҳбатлари, турли тадбирлар, кўргазмалар юзлаб истеъдодларни кашф қилиб келмоқда.

Айтиш жоизки, Темурийлар тарихи давлат музейи нафақат халқимизнинг, балки хорижлик сайёҳлар ва давлат раҳбарларининг ҳам севимли зиёратгоҳига айланди, десак муболаға бўлмайди. Музейга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар ва ватандошларимиз сони бир ярим миллион нафардан ошиб кетгани бунинг исботидир.

Тарихий буюмлар, ашёлар барчамиз учун қадрли, қизиқарли бўлади. Музейнинг етакчи илмий ходими, археолог Ўткир Алимов ҳам музей экспонатларини бойитишга ҳисса қўшган инсонлардан биридир.

– Музей экспозициясидан жой олган ноёб ашёлардан бири Амир Темурнинг «Боғи баланд» номли боғининг ҳозирги ўрнидан топилган мармар ҳовузча бўлагидир. Бу ҳовузча боғдаги оқиб турган ариқ сувларининг маълум бир жойларига ўрнатилган. Ўрдак, ғоз сингари паррандалар боғнинг кўркига-кўрк қўшган. – дейди Ў. Алимов. – Бундай манзараларни ўша давр миниатюраларида кўриш мумкин. Бундан ташқари, бўйи бир метрлик дон маҳсулотлари сақланадиган хум ва шарсимон хумча ҳам топилди. Ушбу шарсимон хумчанинг қопқоғи ва қопқоқни мустаҳкам беркитиш учун тўрт томонида тешикчалари ўрни бор. Бунда ноёб ичимликлар сақланган бўлиши мумкин. Яна бир топилма бор, у уч оёқли сопол дастурхон. Бундай қизиқарли экспонатларни кўплаб келтириш мумкин.

Тарих бизга ўтмишимизни рўй-рост сўзлаб, кўрсатиб беради. Келгуси авлодлар учун тақдир туҳфаси бўлган ушбу экспонатларни асрашимиз, улар сонини бойитишимиз лозим.

Шу кунларда музей ташкил этилганига 13 йил тўлди. Бу кошонага ташриф буюрган ҳар бир киши халқимиз тарихига оид осори атиқаларни кўриш билан уруғ боболаримизнинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссасидан ҳам хабардор бўлади.

**Гули Нигор АВАЗОВА.**



## АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

***Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.***

***

*Яхшиларга – яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.*

***

***Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.***

***

*Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада оширар эдим.*

***

***Ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.***

***

*Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.*

***

***Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.***

***

*Ишбилармон мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

***

***Душманнинг кулгани – сирингни билгани.***

## ТАФАККУР ГУЛШАНИ

# ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

***Жаҳл билан қабул қилинган қарорнинг оқибати яхши бўлмайди.***

*Ёшларга катта-кичик лавозимларни ишониб топшириш керак, лекин унинг маслаҳатчиси тажрибали ва малакали бўлиши шарт.*

***Севган ёрингизнинг барча салбий қусурларини билиб туриб севсангиз, у ҳақиқий севги бўлади.***

*Инсонларнинг ғам-ғуссасига шерик бўлиб кўнгил сўраш учун қариндош-уруғ бўлиш шарт эмас.*

***Феълида қусури бор одамнинг яхши амалларини шу қусур йўққа чиқариб туради.***

*Меъёридан кам ухласанг ҳам, кўп ухласанг ҳам соғлиққа зарар, лекин кўп ухлаганга албатта, ғафлат эргашади.*

***Чиройли ва яхши нарсалар нафсни, ғам-андуҳли нарсалар сабрни синаса, яхши муомала, ширин забон муваффақият гаровидир.***

*Ёмон хулқли болани қозоннинг қорасига ўхшатсак, унинг ота-онасини албатта, учоққа таққослаш лозим.*

**Абдуқаххор ЙЎЛЯХШИЕВ.**




# АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«ОБУНА – 2010»

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари –**

**«ПОСТДА», «НА ПОСТУ»**

**газеталари ҳамда**

**«QALQON», «ЩИТ»**

**журналларига 2010 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда.**

*Нашрларимизда жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи қайдлари, криминал воқеалар, суд очерклари мунтазам ёритиб борилади. Ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонунчилигимиздаги ўзгаришлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг!*

*Сиз азизларга қулайлик яратиш мақсадида обуна нархлари ўзгартирилмади.*

*Обунани энг фаол уюштирган ҳамкорларимиз таҳририят томонидан мукофотланадилар.*

*ИНДЕКСЛАРИМИЗ:*

*«Постда» 180 (366) «На посту» 169 (367)*

*«Qalqon» 970 (1083) «Щит» 971 (1084)*



ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIPLIGI**

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Umida BOLLIYEVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-8264. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57497 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**